## ЕВРОПАЧА ХИЗМАТ

*Сақич чайнаб "сотка"сида гаплашаётган олифта қизга эътироз билдиришни эп кўрмадим. Раҳматли бобом узум сотарди баъзан ўз боғидан чиққанини, тарозига-ку ташлаб берарди, аммо идиши йўқ бўлса, харидорга узумни қоғозгами, эски газетагами ўраб узатганини кўрганман. Эҳ, Тош бобом тушмагур, қанақа кунларга ташлаб кетдингиз бизни?!*

2-бет

## ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЎЗГАНИ ХЎРЛАМАЙДИ

*Аввало, ҳар қандай одамнинг жисмоний ногиронлигини юзига солиш одобсизлик ҳисобланади. Масалан, АҚШ президентларидан бири Рузвельтнинг икки оёғи ҳам ишламаган, аксарият умрида аравачада юрган. Бу ҳолни биров эсламайди ҳам, юзига ҳам солмайди. Ёки кўплаб машҳур шахслар кўр, шалтанг, кар ва бошқа нуқсони бўлган, булар ҳам эсланмайди. Аммо...*

3-бет

## КЎНГИЛ ТАЪЛИМОТИ

*Ҳаёт мураккаб ва ўта нозик. Бу дунёда яшашни ҳам гўёки қиёматдаги сирот кўпригига ўхшатгим келади. Чунки ҳақ билан ботилни билмаслик оқибатида инсон нималар қилиб қўяётганини билмайди. Буларни бир-биридан ажратиб олиш учун ҳар томонлама илм-маърифатли бўлиш, бу кун талаби.*

4-бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 4 (466) 2006-yil 1-fevral



**«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади**

*Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!*

*Нашр кўрсаткичи — 233*


**Парламентда**



# ОАВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ВАКИЛЛАРИ МУҲОКАМАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кейинги пайтларда қонун лойиҳалари тегишли соҳа вакиллари томонидан муҳокама этилиши анъанага айланиб бормоқда. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ана шу анъанани давом эттирган ҳолда, яқинда оммавий ахборот воситаларига доир қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбати уюштирди. Унда депутатлар, ЎзДЖТУ ва ЎзМУ журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Муҳокама доирасида янги таҳрирда тайёрланган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунининг янги лойиҳаси мантиқий изчиллиги ва яхлит бир тизимда баён этилганлиги билан диққатга сазовордир. Шунингдек, ушбу қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида таъсис этилган ва республикамизда тарқатиладиган ОАВнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ОАВни таъсис этиш, рўйхатдан ўтказиш, тарқатиш жараёнларини қонуний жиҳатдан эркинлаштириш ҳамда бирор-бир юридик ёки жисмоний шахс ОАВлари бозорида монополия мавқеини эгаллаш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган. Монополия мавқеи мезонларини республика ва маҳаллий миқёсларда қонуний мустаҳкамлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Муҳокама давомида янги таҳрирда жузъий ва таҳрирталаб хатокамчиликлар борлиги ҳам эътироф этилди.

"Оммавий ахборот соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси эса ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, сиёсий, ғоявий ва маданий хилма-хилликларни таъминлаш мақсадида давлат белгилайдиган ва амалга ошарадиган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий-техникавий ва бошқа чораларнинг ҳисобга олинганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Муҳокама давомида ушбу қонун лойиҳаси давр талаби эканлиги ва ОАВнинг ривожига катта ҳисса қўшиши таъкидланди. Кейинги пайтларда раҳбар ходимлар журналистларга ахборот беришдан ўзини олиб қочиш ва матбуотда чиқишдан ҳадиксираш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Мана шундай ҳолатларни тартибга солиш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ОАВ вакилларини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида аккредитация қилиш тартиби, ахборот ва ахборот материалларидан фойдаланиш, уларни олиш ҳамда тарқатишнинг шакл ва усуллари, шунингдек, томонларнинг фаолиятнинг ушбу соҳасидаги мажбуриятлари белгиланган бўлиб, муҳокама давомида бу қонун лойиҳаси ҳам ҳали камчиликлардан ҳоли эмаслиги аён бўлди .

"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга киритилган янги ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, таҳририятнинг штатсиз муаллифлари ва мухбирлари ҳам журналистнинг профессионал мақоми доирасида фаолият олиб боради. Бу эса муҳокама пайтида каминанинг, соҳада сочи оқарган журналист билан оддий жамоатчи мухбирнинг ҳуқуқлари тенглаштирилиши адолат мезонининг бузилишига олиб келмаяптимикин... — дея таъкидлашимга сабаб бўлди.

Йиғилиш турли фикрлар ва ўзаро баҳс-мунозараларга бой бўлди.

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ**

**Танлов**

## "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

### кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси **"Тасвирий ойина"** ижодий уюшмаси, **Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** ва **"Ўзбеккино" Миллий агентлиги** ҳаммамиз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий "ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ" республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим: Мустақиллик, Озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларни талқини. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар. Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши. Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат. Миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар. Кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари. Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчанлик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси. Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари. Буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар кўлами.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади. Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Ижодий ишлар **"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"** республика кўрик-танлови"га деб кўрсатилган ҳолда икки нусхада 2006 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

***700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.***
***Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси,***
***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.***
***Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-64-62***

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ**

## "ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ"

### танловига марҳамат!

*Азиз журналистлар! Матбуотда ўз дил сўзлари билан фаол қатнашаётган жонкуяр ҳамкасблар, тарихга айланган 2005 йил Сизларга қандай ижодий ютуқлар олиб келди? Ватанимизни мустақиллик йўлида собит қадамлар билан олға боришига муносиб ҳисса қўшаётган кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юксак бадиий савияда маҳорат билан таъсирчан усулларда ифодалаган қандай мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилдингизлар?*

Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари марҳамат, 2005 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни ***"Йилнинг энг фаол журналисти — 2005"*** танлови ҳайъатига юборинглар.

***Ғолиблар 2006 йил 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида эълон қилинади ва уларга мукофотлар топширилади.***

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилишини сўраймиз.

**Мурожаат учун манзил:**
**700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,**
**«*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси*» 3-қават, 30, 35,37-хоналар. Телефонлар: 144-37-87; 144-64-62;144-69-65:**

**Мониторинг**

# ҚОНУН ЯНГИЛАНИШИ КЕРАК

***респондентларнинг 75 фоизи ана шундай хулосага келдилар.***

Давр, вақт ўтиши билан жуда кўп нарсалар ўзгаради, янгиланади. Ва бу табиий ҳолат ҳисобланади. Мамлакатимизда ўтган мустақиллик йилларида барча соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Буни, айниқса, асосий мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳам кузатиш қийин эмас. Ўтиш даврининг дастлабки даврида одатда кучли ижроия ҳокимиятига катта эҳтиёж сезилади. Мамлакат барча соҳаларда барқарор ўзанга тушиб олганидан кейин жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимиятларнинг мавқеи оша боради. Ва, табиийки, уларга катта ваколатлар берила бошланади. Бу эса амалдаги қонунларга ўзгартириш, қўшимчалар киритишни, янги лойиҳалар тайёрлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбатида ана шулар ҳақида гап борди. Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Суд ва ижроия ҳокимияти вакиллари, етакчи илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Маълум қилинишича, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг Самарқанд ва Фарғона вилоятларида қўлланиш даражаси, қандай ижро этилаётгани, таклифлар ишлаб чиқиш ва прогноз тайёрлаш мақсадида мониторинг ўтказилган сўровномада иштирок этган маҳаллий кенгашлар депутатлари, маҳаллий ҳокимият ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлар ҳамда фуқароларнинг 75 фоизи амалдаги қонунни янада takомиллаштириш лозимлигини билдирганлар. Қолаверса, миллий ва хорижий тажрибани қиёслаш, суд, прокуратура, Омбудсман хулосалари, жамият, давлат қурилиши ва юридик соҳа мутахассислари ҳам ана шундай хулосага келишган. Давра суҳбати доирасида бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда билдирилган фикрлар ҳам мониторинг натижаларини қўллаб-қувватлади, деб айтиш мумкин. Эътирозлар, таклиф ва мулоҳазалар, асосан нималарда намоён бўлмоқда? Айтилишича амалдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунда, аввало уларнинг ҳуқуқий мақоми, қолаверса, ўша ҳудуддаги мавжуд ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатлари механизми етарли даражада акс этмаган, мавжуд айрим меъёрлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Давр баъзи ваколатларни марказдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бериш, ҳокимлар ваколатларини кенгайтириш, аниқлаштириш ва улар устидан ҳокимият вакиллик органлари назоратини ошириш, ана шу йўл билан ҳокимлар зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилиши учун маъсулиятни оширишни тақозо этмоқда. Баъзан маҳаллий кенгаш депутатлари нима қилишаяпти, деган ҳақли саволга дуч келамиз. Жойларда туман ҳокими, айни пайтда маҳаллий халқ депутатлари кенгаши раиси эканлиги ҳам қонунни амалда кенг тадбиқ этиш самарадорлигига таъсир этаётганини кузатиш мумкин. Ана шулар ва яна бошқа кўплаб сабаблар амалдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишни эҳтиёж даражасига кўтармоқда.

**МУХБИРИМИЗ**

Сўзсиз сурат.




Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

**МММда**

# КУРАШ ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбек курашининг кейинги пайтлардаги халқаро майдонларда эришган ютуқлари ҳаммамизнинг қалбимизда фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Аммо ҳозирда курашимиз эришган ютуқлари баробарида ўзининг долзарб муаммоларига ҳам эга. Бу курашимизнинг асосий базаси бўлган ёш курашчиларнинг камлигидир. Борлари ҳам асосан бошқа кураш турларидан жалб этилган.

Мана шундай муаммоларга ечим топиш мақсадид 30 январь куни Ўзбекистон Миллий Кураш Ассоциацияси матбуот анжумани ўтказди. Унда МКА президенти Абдулла Орипов сўзга чиқиб, курашга кўпроқ ёшлариимзни жалб қилиш лозимлигини ва бунинг учун эса фахрий курашчиларга алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги ҳақида гапириб ўтди. Шундан сўнг МКА томонидан жорий йилда ўтказилиши кутилаётган мусобақалар тўғрисида ахборот берилди.

**МУХБИР**

**Аҳвол**

# ҚАНТАРИЛГАН ЛИФТЛАР

Биз пойтахтимизнинг Учтепа тумани, "Ал-Хоразмий" даҳаси 30-мавзесига қарашли кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қиламиз. Гап шундаки, бизлар яшайдиган 12 қаватли ҳар бир уйда ёнма-ён жойлашган қўш лифт бўлса-да, ҳеч вақт меъёрида ишлаганини эслай олмаймиз. Мабодо бир тўхтаб қолгудек бўлса, иккаласи ҳам ишламасдан "қантарилган" ҳолда анча вақт туриб қолади. Мутасадди идораларга бир неча марта мурожаат қилсак ҳам бефойда. Қуруқ ваъдадан нарига ўтишмайди.

Ҳар куни баланд қаватли бинога чиқиб тушиш осонмас. Айниқса, қариялар, ёш болали ёки ҳомиладор аёлларга. Эллик саккиз хонадонли уйнинг қарийб ярмини ёш болали ва қариялар ташкил этади. Ўн биринчи қаватда яшайдиган Назирахоннинг ҳасратидан чанг чиқади. Чунки унинг икки ёш боласи бор. Бири эмизакли чақалоқ. Лифт ишламаган кунлари поликлиника ва дорихонага қатнаш ёки бошқа юмушларини бажариш учун қўлидаги чақалоғини опичлаб охирги қаватдан тушиб чиқишга мажбур бўлмоқда. Бу ҳам кошкийди, ўн биринчи қаватда яшовчи бир жувоннинг ой-куни яқинлашиб қолган бўлса, Жамила хола эса анчадан буён нафақада. Энди булар кимдан раҳм-шафқат кутсин?!

Худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол рўй бергудек бўлиб тез ёрдам ёки шошилинч хизматга эҳтиёж сезилса, кўмакка келувчи халоскорнинг қўлидаги жамадони ёки бошқа асбоб-ускунаси билан баланд бинога кўтрилиб тушишини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

— Мана қарийб тўрт ойдан бери ишламайди. Лифт тўхтаб қолгани сабаб, муқаддас Рамазон кунларида бозор-ўчар қилиб, сумка-халта билан қоронғи йўлакдаги зинадан ҳарсиллаб юқорига кўтарилганимиз етмагандай, бизни йўқлаб келган ёру биродарларимиз олдида жуда хижолат чекяпмиз, — дейишмоқда 35-уйнинг 11- ва 12-қаватларида истиқомат қилувчи Сарвиноз опа ҳамда Шоҳиста Мирзаевалар.

Бу ҳам етмаганидек, лифт узоқ вақт ишламаслиги боис ҳадеб зинадан тушиб кўтарилаверишдан безиб кетган баъзи хонадон эгаларининг чиқиндиларни ўзи яшаб турган йўлак зиналарига ташлаб кетаётгани ёки айримларининг балкондан пастга қараб улоқтираётгани ҳаммасидан ошиб тушмоқда.

Бундан уч-тўрт ой илгари, ишдан қайтаётиб, уйимиз йўлаги олдида салкам саксон ёшлардаги отахон билан учрашиб қолдим. Бу нуроний чолни илгари ҳам бир неча марта келиб-кетганини кўрганман. Тўнғич ўғли қўшнимиз бўлади. Мен билан қуюқ сўрашар экан: "Қорасув" мавзесидан келувдим, невараларимни соғингандим, ҳайитлик улашиб, бир кўриб кетай, деб келувдим, лифт анчадан бери ишламаётганини айтишди. Бундан ўн бир йил илгари инсультни бошимдан ўтказганман, 12-қаватга чиқиб-тушишимга мадорим етмайди, дея қўлидаги тугунини менга бериб, қайтиб кетди. Таажжубки, бундай оворагарчиликларнинг ниҳояси ҳали кўринадиганга ўхшамайди.

Рости, лифт бир ишламаса, узоқ муддатгача тузатилмасдан қолаверади. Мана салкам уч-тўрт ойдирки, лифтлар ҳамон "қантарилган" ҳолда турибди. Баъзиларининг ишламаётганига олти ойдан ошди. Лифтсозлар Рамазон ойи бошлангунга қадар ишга туширамиз, деб ваъда қилишганди. Мана, ҳозиргача лифт ишламаяпти. Ваъда ваъдалигича қолиб кетди.Тасаввур қилинг-а! Оғиз очиш ёки ифторлик қилиш учун бозор-ўчар қилиб келдингиз. Шунча юриб келганингиз етмагандай, ўн иккинчи қаватга кўтарилишнинг ўзи бўладими? Майли, шунча ой ўтиб кетди. Худо бу ёғига инсоф берсин.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг "Нигина-коммуналчи" (УМШ) уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 8 та 12 қаватли уйнинг бирортасида ҳам лифт ишламайди. Баъзида ишлаб қолган кунлари унинг носозлигидан ичида одамларнинг "қамалиб" қолиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Кети кўринмайдиган бу каби муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида "Тошкентлифт" тресги бошлиғи Сергей Дайбловский қабулида бўлиб, қарийб уч ойдан бери лифт ишламаётгани, айниқса қариялар ва ёш болали оилалар қийналиб қолаётганини батафсил тушунтирдик. Бундай муаммоларга оддий ҳолдек қарашга ўрганиб қолган Сергей акамиз эса "Икром коммуналчи" УМШ пулини тўланмагунча биз ҳеч нарса қилмаймиз, деди.

Шундан сўнг "Нигина-коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи Собир Ашуров билан учрашдик. Мавзе бўйича 12 қаватли уйлар сони 8 та бўлиб, уларнинг бирортасида ҳам лифт ишламаётганини очиқ тан олишим керак. "Тошкентлифт" тресги раҳбариятига бир неча марта мурожаат қилдик. Барча ҳаракатларимиз зое кетмоқда, — дейди С. Ашуров.

— Улар ҳатто биздан анча илгари таъмирлаш мақсадида олиб кетган 2 дона лифт моторини ҳалиям қайтариб берганича йўқ. Боз устига икки юз саксон минг сўм ўтказиб қўйсак ҳам "Тошкентлифт" тресги раҳбарлари ҳамон лоқайд. Бу ёлғончи ташкилотга қанча пул ўтказсак ҳам ваъдасининг устидан чиқиб, лифтни вақтида таъмирламайди. Масалан, "Зилола-коммуналчи"да 3 та 12 қаватли бино бор. "Тошкентлифт" трестига УМШ томонидан маблағ ўз вақтида тўлиқ ўтказиб берилган бўлса-да, шулардан бирортасида ҳам лифт ишламайди.

Ишламаган лифт учун аҳолидан пул ундириш инсофданмас. Лифт узлуксиз ишлаб турганда бошқа гап эди, тушган пулни ўз вақтида етказиб берардик. Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар лифт ишламаётганини баҳона қилиб коммунал тўловларни ҳам тўлашдан атайин бош тортиб келмоқда. Шу-шу лифтсозларнинг айби билан УМШ га тегишли тўловларни ҳам аҳолидан ундира олмаяпмиз. Лифтларни таъмирлаш ва фойдаланиш ваколати УМШнинг зиммасига юклатилганда бошқа гап эди, аҳолининг ҳақли талабини ўзимиз қондиришга ҳаракат қилардик.

Хуллас, ҳамма ўз дардини айтиш билан овора. Кимга қийин, баланд қаватларда истиқомат қилувчиларга қийин. Саволларимиз яна очиқ қолаётир. Лифтни меъёрида ишлашини яна қачонгача кутамиз? Бир гуруҳ аҳоли Учтепа тумани ҳокими қабулига киришган экан, раҳбар уларни қўпол муомала билан чиқариб юборибди.

Зеро, Президентимиз Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Шаҳардаги кўп қаватли уйларни бошқариш масаласи кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолаётгани, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани" хусусида беҳуда куюнмаган эдилар.

Бироқ шундай бўлса-да, Учтепа туманидаги Ал-Хоразмий даҳасида жойлашган "Нигина-коммуналчи" ва "Зилола-коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) ҳамда "Тошкентлифт" тресги мутасаддилари ўзаро тил топишолмай, бундай камчиликларга совуққонлик билан қараётганлари аҳолига қимматга тушаётир.

Бу ҳақда матбуот органларига бир неча марта мурожаат қилсак ҳам фойдаси бўлмаяпти. Шояд, мутасаддилар "Ҳуррият"ни ўқигач, инсофга келсалар!

**Кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар ҳасратини оққа кўчирувчи**
**А. СУЮНОВ**

Аҳвол

# ЕВРОПАЧА ХИЗМАТ

(Фельетон учун мавзу)

Дўкондан ул-бул харид қилдим. Гўё пештахтага уйиб қўйилган нарсаларимга, гоҳ сотувчига қараб қўяётганим унга ёқмади шекилли, ёвқараш билан чекимни узатди.

— Манг, командировочнийга қўшиб қўясиз!

— Кечирасиз, нарсаларни пакетга солиб бермайсизми?

— Марҳамат, неча сўмлигига солай?

— Ие, пакет ҳам сотиладими? Ахир у товар нархига қўшиб берилмайдими?

— Ака, бу ер Сизга Франция эмас. Ҳали харид қилганингиз учун бир стакан бепул кофе сўрарсиз?

Сақич чайнаб "сотка"сида гаплашаётган олифта қизга эътироз билдиришни эп кўрмадим. Раҳматли бобом узум сотарди баъзан ўз боғидан чиққанини, тарозига-ку ташлаб берарди, аммо идиши йўқ бўлса, харидорга узумни қоғозгами, эски газетагами ўраб узатганини кўрганман. Эҳ, Тош бобом тушмагур, қанақа кунларга ташлаб кетдингиз бизни?!

Сартарошхонага кирдим. Алмисоқдан қолган радио ким қанақа тилда ғингиллайди. Михлари чиқиб турган қийшиқ стулга ўтиришга қўрқаман. Курткамни девордаги қозиққа бир амаллаб илдим. Уста эса лезвияси Япониянйки, атири Францияники эканини жағ уриб таърифлайди. Олдинги мижозга ишлатган, кирлигидан сўзанага ўхшаб қолган чойшабни бўйнимга илади. Ижирғанганимни сезади, бироқ бобиллайверади:

— Ҳозир акажон! Европача усулда оламан. Бошингизни онадан туғилгандай қилиб қўяман. Қизларнинг бир ҳаваси келсин!

Бир амаллаб чидадим.

— Ана бўлди, икки минг сўм берсангиз бас. Мана бу чеки.

У стол устидаги қоғоз парчасига ниманидир ёзиб узатди. Тушуниб бўлмайдиган муҳри ҳам бор.

— Қишлоғимиздаги уста Тошпўлат 250 сўмга оларди.

— Ака, қишлоқда сартарош қолдими. Тошкентда шу ишга нақ беш минг тўлайсиз. Тем более, сочингизни европача модада олдим.

— Ҳайронман, европаликнинг боши бошқачароқ ёки каттароқмикин-а?

Хуллас икки минг сўмлик бош билан шу атрофда тепасига "Химчистка" деб ёзилган эшикдан кираман. Хона шипшийдон. На хизмат таърифи, на иш жадвали бор. Туйнук ортида қайсидир жинсдошини ғийбат қилаётган аёлларга салом бераман. Бор-йўғи 150 кило чиқадиган, оғзидаги сақични у лунжидан бу лунжига олиб турган аёл ёнидагисига буюрди:

— Карима, зал клиентом смотри!

Қабул қилувчи менга ҳам, олиб келган кийимимга ҳам қарамайди.

Аввал қоғозга, кейин ҳўл латта парчасига алланималар ёзди. Сўзларига тушунмаса-да, "FM"дан берилаётган хориж қўшиғига бошларини қимирлатиб қўшилади. Барибир менга қарамайди.

— Нима топширасиз?

— Костюм-шим.

— Беш минг сўм.

— Опа, жуда қиммат эмасми? Яна 10 минг қўшсам, янгисидан беради-ку.

— Препаратимиз импортный. Чет элдан келтирилган, тушундингизми? Зато кечқурун опкетишингиз мумкин.

— Биз фақат срочний заказ оламиз. Ҳа, майли, яхши одамга ўхшайсиз. Тўрт минг берақолинг. Чек ёзиб ўтирмайман.

Кайфиятим бир ҳолатда йўл четига қўйилган машинага яқинлашаман. Шу пайт соқоли ажириққа ўхшаган кимса ёнимга келади. Телпагининг бир қулоғи йўқ. Аввалига тиланчимикин деб ўйладим.

— Стоянка учун 200 сўм тўлаб қўйинг.

— Нима бало, йўл четига машина қўйиш учун ҳам пул тўлаш керакми?

— Бу платная стоянка ака. У билагидаги қизғиш боғичга, қўлидаги сарғиш чиптага ишора қилди. Чиптада эса на муҳр, на нарх бор.

Яна ўша бобомнинг катта ҳовлиси ёдимга тушди. Бозорга яқин турардик. Танишлар велосипед, мотоциклини бизникига қўйиб кетарди. Қайтаётганда фақат "Раҳмат, уста бобо!" деб кетишарди, холос.

— Сиз 200 сўмга қизғанасиз. Биласизми, Европада уй олдидаги машинага қараб тургани учун ҳам пул тўлашади.

— Менга қаранг, ҳой биродар. Сиз ўзи Европа қаердалигини биласизми?

— Четда-да ака, ҳарқалай бизнинг юртда эмас.

Асабимни ушлайман. Барибир юрагим безовта бўла бошлади. Машинани тепасига "Хусусий шифохона" деб ёзилган дарвоза олдида сақлайман. Иккита забардаст йигит кутиб олади. Оддий кийимдаку-я, аммо эски мелиса ходимларига ўхшайди. Биттаси мени кузатиб навбатчи врач ҳузурига олиб борди.

Врач ўн дақиқа "сўроқ" қилди. Икки саҳифа қоғоз тўлдирди. Кейин сўради:

— Нима безовта қилаяпти?

— Ҳеч нарса. Қон босимимни бир ўлчатмоқчийдим. Юрагим безовтага ўхшайди.

У эринибгина ускунасини олиб қон босимимни ўлчади. Юрагимни ҳам эшитиб кўрди. Сўнг қўлимга откриткага ўхшаган чипта узатди.

— Беш минг сўм тўлайсиз.

— ...

— Ажабланманг, бу хусусий шифохона. Европада бундай хизмат учун минг доллар олишади. Муолажаларимиз замонавий, импортный.

Бу гал Шарофат момомни эсладим. Сал тоби қочган болаларни ота-онаси олиб келишарди. Момом гўдакни оёқ-қўл қилиб (табобатда шунақа усул бор), елкабошларини уқалаб, шарбат ичирарди. Ота-онасига чой узатиб, "яна келинглар" деб қўярди.

— Кечирасиз, дўхтир, Европа деган томонда одамнинг шу... ўлиши учун неча сўм тўлашаркан-а?

— Нима бало, томингиз кетганми дейман, бемор? Одам ҳеч вақт ўлиши учун ҳам пул тўлайдими?

Ҳақиқатан томим кетганга ўхшайди. Одам ўлиш учун пул тўламайди. Ё пул тўламайин деб ўлиб қолармикин-а? Сизлар нима дейсизлар?

**Фармон ТОШЕВ,**
**Самарқанд шаҳри**




— Қатнайвериб чарчадингизми?
— Ўзимку чарчаганим йўқ, чўнтак чарчади.

А.ХАКИМОВ чизган

Муносабат

# БИРИНЧИ АЙТГАН ҲАҚ...МИ?

***Республикамиз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш саъй-ҳаракатларини бошлаб юборганига ҳам ўн тўрт йилдан ўтибди. Ана шу ўн тўрт йил ичида жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштиришга, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишга, фуқароларнинг тафаккури ва сиёсий савиясини юксалтиришга, мамлакатда сўз эркинлигини жорий этишга ҳаракат қилиб келинмоқда.***

Жумладан, фуқароларимизнинг фикр ва мулоҳазаларини ифода этувчи, мавжуд муаммоларни ечишга кўмаклашувчи ва энг асосийси инсон манфаатларини ҳимоячиси бўлган оммавий ахборот воситаларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Албатта, бу бежиз эмас. Гапимнинг исботи дея Фахриддин Низомовнинг бир фикрини келтириб ўтишни жоиз деб билдим: "Дунёнинг бугунги тақдири ядро жамадонидаги тугмачани эмас, микрафон тугмачасини босиш билан ҳал этиладиган бўлиб қолди". Бу гапнинг замирида катта маъно ётади. Дарҳақиқат, ядро қуролининг кучи маълум бир масофагача таъсир ўтказади, аммо ғоя "бомба"си, ахборот ҳуружи сарҳад билмасдир.

ОАВни эркинлаштириш мақсадида талай ишлар амалга оширилди. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган ҳар бир давлат ахборот мустақиллигига эга бўлиши керак. Нима учун биз ўзимизда бўлаётган муҳим воқеаларни, оддий янгиликларни биринчи бўлиб, бошқа мамлакатларнинг ахборот воситалари орқали билишимиз керак.

Ҳозирда "Биринчи айтган ҳақ" шиори остида ишловчи ОАВлар кўпайиб кетган. Албатта, ахборот берувчи давлат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ахборот беришга уринади. Ҳақли савол туғилади. Нима учун журналистларимиз айрим ҳолларда тез ва ҳаққоний ахборот бера олмаяпти. Телеканалларимиздаги информацион дастурларнинг қарийб 70 фоизи мажлису тадбирлардан иборат. Маълумки, бутун жаҳонда журналистлар риоя этиши лозим бўлган бир неча қоидалар мавжуд:

— оддий фуқароларга сўз бериб, уларнинг демократик жараён фуқароси бўлиши учун имкон бериш;

— ҳаётдаги сиёсий-иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларни оммага аниқ, содда ва лўнда шаклда етказиш;

— бирор бир масала юзасидан жабр кўрганларнинг нуқтаи назарини намойиш этиб, иккинчи томоннинг ҳам бу борадаги фикр, далил ва исботларини кўрсатиши учун имкон бериш ва ҳоказо.

Минг афсуслар бўлсинки, ОАВмизда юқорида келтириб ўтилган масалалар юзасидан камчиликлар яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Масалан, ўз муаммоларини ечишда кўмак сўраб мурожаат этганларга ёрдам бериш жараёнида айрим журналистларимиз бир ёқлама ёндошаяптилар. Танганинг ҳам иккинчи томони бор-ку. Кўплаб ҳолларда журналистларимиз бирор воқеа ёки ҳодиса хусусида хабар бераётганда ўзларининг хайрихоҳлигини ёки салбий муносабатларини билдиришади. Наҳотки улар журналист бетараф мавқеда туриши кераклигини билмасалар. Баъзан эса жиддий муаммоларга ҳам юзаки ёндошадилар. Президентимиз Ислом Каримов ана шундай камчиликларни тугатишни, мутсақил, танқидий тафаккурга эга журналист кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор билан қараб, қуйидагиларни таъкидлаганлар: "Жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончи, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғри сўзли муҳит ҳукмрон бўлади".

**Равшан ТОШМУҲАМЕДОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

Экология

# МУЗЕЙ БОЙЛИГИМИ ЁКИ ИНСОН ФОЖЕАСИ?..

Чўпонлар қўйини ётқизган, исроф бўлмайдиган жойларга бир қути гугурт, анча-мунча қурт, туз, бирозгина нон қолдириб кетадилар. Чўпонларнинг удуми шунақа. Мабодо, одам емаса, ит, қуш баҳраманд бўларкан. Бу гўё, дарёга нон ташласанг балиқ билади, балиқ билмаса холиқ билади, деган нақлни эслатади.

Табиатнинг жонкуяр ошиғи, узоқ йиллар Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига раислик қилган Абдумутал Алибеков юқоридаги гапни айтганида ўйланиб қолдим.

— Лекин ҳамма ҳам бир хил эмас-да, — деган эди оқсоқол, — табиатни севувчилардан кўра, бойликларини йўқ қилувчилар кўп. Кўзойнакли илонлар банкаларга солиниб, бозорларда сотилаяпти, қорақурт, калтакесак, чаён, ўргимчакларнинг ноёб турлари ўғирлаб кетилаяпти. Улар тиббиёт учун жуда керак, дорилар тайёрланади. Табиатда ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни бор.

Тилга олсанг, ҳатто, баданинг жунжикиб кетадиган мавжудотларнинг ҳам табиат мувозанатида ўрни бор эканлигини ҳамиша хаёлимизга келтиравермаймиз. Ҳа, агар улар керак бўлмаса, яратилмаган бўлар эди. Табиат занжиридаги бир ҳалқани йўқ қилиш, унинг барбод бўлишига сабаб бўлиши ҳақида жуда кўп мисоллар айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш идоралари уни асл ҳолатда сақлаб қолиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли маданият ва истироҳат боғида очилган табиат музейида бўлганимда бунинг яққол исботини кўргандай бўлдим. Музей экспонатлари билан танишиб чиқдим. Бу ерда табиатнинг ҳамма ҳайвонлари, паррандаю даррандаларини кўришингиз мумкин. Фақат улар қотириб, ичига похол тиқилган ҳолатда, шиша кўзларини сизга қадаб турибди. Афсусланарлиси — уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда саноқли қолган ёки тур сифатида йўқолиб кетган. Уни томоша қилиб, жонсиз бўлса ҳам табиат ошиқлари учун шу ерда музей қилиб қўйган жонкуярларга раҳмат айтгингиз келади. Мана, қуруқ шохда жонсиз турган булбул. Бу ўша Навоий бобомиз куйлаган, оддий чангалзорларини олтин қафасга алмашмаган сайроқи қуш. Ҳозирги кунда булбул ҳам кескин камайиб кетмоқда. Сабаб оддий, у ўттиз йиллар муқаддам Ҳиндистондан келтирилган, қорамолларнинг териси орасидаги қуртни териб ейишга сафарбар этилган олақанот еб битирмоқда. Булбулга тақлид қилиб, эплай олмаган газанда унинг тухумларини чақиб еб, жиш палапонларининг ҳаётига зомин бўлмоқда. Мева ва узумларга жиддий хавф солаётган, унутиб қолдирилган егуликларни ўғирлаб қочаётган олақанотларни камайтириб, тартибга солиш ҳақида гап бўлаяптию, лекин ишнинг самараси кўринмаяпти.

Музей экспонатларини кузатишда давом этамиз. Мана бу Тян-Шань айиғи, мана бу қўнғир айиқ, мана бу чўққидан чўққига сакрайдиган ёввойи қўй — архар, тик шохли жайрон, бўрсиқ, жайра... Булар музейдан ўрин олган. Табиат қўйнида-чи? Масаланинг асл моҳияти шунда-да! Айтишади-ку, ҳақиқий жонзотни кўраман, десанг, музейга эмас, ўрмонга, табиат қўйнига бор, деб! Бу ердаги олмахонлар умбалоқ ошмайди, арслонлар бошига ўрмонни кўтариб ўкирмайди. Ҳа, дарвоқе, музейда қотириб қўйилган йўлбарслар йўқ. Лекин улар ҳам бир пайтлар республикамиз ҳудудларида бўлган. Турон йўлбарслари! Соқолли йўлбарслар ўтган асрнинг 40-50 йилларида Зомин тоғларида, Ойқортоғнинг этакларида, Сирдарёнинг қиёқзорларида, Амударёнинг чангалзорларида бўлган. Лекин чиройли терисини деб йўқ қилинган. Э, бу овчи дегани нималарни қилмайди, шох учун кийикни отиб битиради, гўшт деб архарни қуритади, суяги деб филни йиқитади. Ҳа, ёвузлик шахсий манфаат бор жойда ҳеч қанақа шафқат, муҳаббат бўлмайди. Мен ҳозир мана шу туйғуни ҳис қилиб, табиат музейида қон қақшаб ўтирибман. Табиат "кушанда"ларининг фаолияти туфайли дарёларда хонбаликлар йўқолди, ўрдаклар, ғозлар, болтаютарлар кўринмай қолди, табиатимиз, ҳайҳот шундай кўримсизми, деб дод солгинг келади.

Ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилишга масъул бўлган Табиатни муҳофаза давлат қилиш қўмитаси ходимлари кузатиб турибдилар. Шу йилнинг 11 январь куни инспектор Улаш Пардаев бошлиқ ходимлар Зарбдор туманидаги "Зарафшон" хўжалиги ҳудудида иккита браконерни ушлаб жарима ундиришга муваффақ бўлдилар. Валерий Волков билан Баҳром Номозов йўриқномасиз ов қилишаётган пайтда ушландилар. Бундай ҳолатлар бир ойнинг ичида беш марта такрорланган. Ўтган йилнинг ўзида қўмитанинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш инспекцияси ходимлари томонидан 124 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган.

Бахмал туманида бўлганимда, бир воқеани айтиб беришди. "Бахмал" ҳудудий шифохонасининг бош врачи Тошпўлат Бекмуродов 20 йилдан бери парваришлаб келаётган арчани ўғринча кесиб кетишибди. Аниқланишича, уни янги йил муносабати билан "безатишга" олиб кетишган экан. Бундай мисоллар кўп?! Тўғри, Жиззах ўрмон хўжалиги ходимлари Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш учун анчагина ишларни қилишаяпти. Ўтган 2004 йилда қилинган ишлар бўйича берилган далолатномага қарайдиган бўлсак, 140 гектар ерга Зарафшон арчаси, 110 гектар ерга терак, олма, қайрағоч, наъматак, ўрик, бодом экилиб, кўпайтирилган. Ўрмончилар учта ўрмонда дарахтни ноқонуний кесишгани учун ушланганини айтиб беришди. Лекин фақат жарима солиш билан иш битмайди-да. Табиатга келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаш мушкул эканини ҳаммага аён.

Кўпинча шундай савол қўямиз, биз қачон табиатга бўлган муносабатимизни ўзгартирамиз? Самарқанд шаҳрининг серқатнов кўчаларидан бирида бўлганимда шундай расмни кўриб қойил қолган эдим. Гулзорнинг ўртасига қўйилган тасвирда, ўтлоқларни пайҳон қилаётган айиқнинг сурати бор. Табиат бойликларини топтаётган кимсаларнинг шу айиқдан қандай фарқи бор? Ўрмонга бориб қолгудай бўлсам, шу суратни бот-бот эслайман.

— Одамлар ўрмонга бўлган муносабатни ўзгартириш керак, — дейди ўрмончилардан бири — уларнинг аксарияти бу ердаги табиий гўзалликларни ҳис қилмайдилар, дарахтларни синдирадилар, ўт ёқадилар, паррандаю даррандаларнинг тинчини бузадилар.

Халқимизда андиша, деган туйғу бор. "Ке қўй, битта арчани кесса кесибди-да", дейди. Битта "Қизил китоб"га кирган ҳайвонни отса отибди-да, дейди. Лекин бу лоқайдлик орқасида қанчадан-қанча ўсимликлар, паррандаю даррандалар "Қизил китоб" саҳифаларидан жой олаётганини эсламайдилар ҳам. Она табиатимизга қанча зуғум етаётганидан юрагимиз ачишмайди. Қилинаётган бундай ноҳақликлар айрим мамлакатларнинг "кўз"ини мошдай очиб қўяётгани биз учун сабоқ бўлиши керак.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Ҳуррият" мухбири**

Акс-садо

# СУКУТ АЛОМАТИ РИЗО ЭМАС

Юртбошимиз Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида халқимиз оммавий ахборот воситаларидан таҳлилий мақолалар кутишини айтган эдилар.

Таҳлилий мақолалар нима учун керак? Таҳлилий мақолалар камчиликларни бартараф қилиш, янгиланиш олдидаги тўсиқларни олиб ташлаш, ҳаётимиздаги долзарб муаммолар нимадан иборатлигини, аввало аниқлаш, сўнгра ҳал этиш учун керакдир. Бундай масалаларни монологлар асосида ҳал этиб бўлмайди, диалоглар зарур. Фақат ҳаққоний мунозаралар асосида ҳақиқатларга етиб бориш мумкин.

Мутахассислар таҳлилий мақолаларни кетма-кет эълон қилсалар-у, фаолиятларига дахлдор бўлган томон сукут сақласалар, мақсадга эришиб бўлмайди.

Таълим, бизда устувор йўналишлардан биридир. "Ҳуррият" газетаси Шодиёр Давроннинг айни таълим муаммоларига бағишланган, учта (2005 йил, 15 июнь, 21 сентябрь, 23 ноябрь) таҳлилий мақоласини эълон қилди. Муаллиф амалдаги Конституция ва "Таълим тўғрисида"ги қонунга таяниб таълим соҳасида ўтказилаётган ўқитувчилар аттестацияси ноқонуний эканлиги ҳақидаги хулосага келади. Бу эътибор бермаса ҳам бўладиган тор доирадаги хулосалардан эмас. Эътибор бериш эса, бизнинг назаримизда, қуйидагилардан бирини қилишдан иборатдир: а) хулоса нотўғри чиқарилганлигини исботлаш; б) Конституцияга амал қилмасликка изн берадиган ҳолат рўй берганини далиллаш; в) хатони тан олиб, бундай хатолар рўй бермаслиги чораларини кўриш.

Шодиёр Даврон эксперт ҳақида фикр юритиб, унга, асосан, иккита талаб қўяди. Биринчиси, мутахассиснинг интеллектини (билими, мушоҳада даражаси ва ижро маданиятини) баҳолаш учун зарур бўлган масалалар, парадокслар туза оладиган даражада бўлиш. Иккинчиси, майда манфаатлар ёки ташқи тазйиқ таъсирида ўз хулосасини ўзгартирмайдиган даражада эътиқодли бўлиш. Фикрини давом эттириб, муаллиф айтадики: *"Универсал эксперт бўлиши мумкин эмас"*. Ушбу фикрларга асосли эътироз билдириш жуда қийин. Лекин шундай вазиятда ҳам, бошқариш тузилмалари ходимларини ўзларини ҳимоя этиш ҳуқуқидан маҳрум этмоқчи эмасмиз. Марҳамат, улар ҳар қандай киши экспертликка тайинланганда ҳар қандай мутахассис интелектини баҳолай олиши мумкинлигини исбот қилсинлар.

*"Тайинлаш йўли билан эксперт пайдо қилиб бўлмайди. Экспертлик мақомига жуда жиддий руҳий ва интеллектуал изланишлар асосида кўтарилиш мумкин"*. Бу сўзлар муаллифи нақадар ҳақ!

Таълимимизда муаммолар йўқ, деб ҳеч ким айтолмайди. Таълимнинг шаклшамойилини тўғри белгилаш жуда мураккаб иш. Ишнинг мураккаблиги бизнинг ушбу йўналишда изланишлар олиб боришдаги сусткашлигимизни оқлай олмайди.

Шодиёр Даврон инсониятнинг дунё ҳақидаги билимлари шаклланиши тарихини ўрганиб, тадқиқот объекти ҳақидаги тўғри хулосаларга олиб келадиган мушоҳадалар шаклланиши жараёнини таҳлил қилиб, юксак ишлаб чиқариш маданияти шаклланиши қонуниятларини аниқлаб таълим олишнинг йўналишини белгилашга, мамлакатнинг ўз функциясини бажаришга қодир таълим системасини яратиш йўлидаги ҳал қилиниши зарур бўлган тўртта масалани тавсиф қилишга эришган. Ушбу ҳаракатнинг ўзи, мутахассислар натижани қандай баҳолашларидан қатъий назар, мақтовга лойиқдир. Лекин расмий мутахассисларимиз жим, гўёки ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарса эшитмагандек.

Мамлакатимизда иккиучта педагогика тадқиқот институтлари борлигини, ҳар йили педагогика соҳасида ўнлаб кишилар докторлик диссертациясини ҳимоя қилаётганликларини, қолаверса, таълимимиз учун масъул идоралар, уларнинг эса ходимлари борлигини эслатмоқчи эдик.

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад биз қайд этган мақолаларга муносабат билдиришлари лозим бўлган, лекин буни негадир эсдан чиқарганларга шуни эслатиш, уларнинг муносабат билдиришларини интизорлик билан кутаётганликни таъкидлашдан иборат эди.

**А. АРЗИҚУЛОВ,**
**СамДУ доценти**

(Шодиёр Даврон "Педагог, тартибот ва аттестация", "Аттестация нима учун ўтказилади" ("Ҳуррият" 15 июнь, 23 ноябрь, 2005 йил)

***Бир "сир"ни очмоқчимиз. Шодиёр Давроннинг аттестация ҳақидаги икки мақоласига ўхшаш ҳолатга биз ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ўтказилишига асос бўлган "низом" ҳам, "намунавий саволлар" ҳам ўша-ўша. Ўтказилиш тартиби, хулоса чиқариш усули ҳам бир-биридан фарқ қилмаса керак. Ўзимиз гувоҳ бўлган ўша тадбир тафсилотлари ҳақида гапириб, шу аснода пайдо бўлган фикр-мулоҳазаларимизни "Ҳуррият" муштарийлари эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.***

# МУНОСАБАТЛАРИНИ КУТАЯПМИЗ

Аввал бизни аттестация қилармиш деган хабар, сўнгра "Намунавий саволлар" мажмуаси кафедраларга етиб келди. "Низом" билан танишишга анча кейин "муяссар" бўлдик. Саволларни ҳам, кейинчалик бир қанча вариантларда етиб келган жавобларни ҳам ўқиш биз учун азоб бўлди. Мақолада газета имкониятидан келиб чиқиб, фақат саволларнинг бир қисми таҳлил қилинган. Тарих учун тўлиқ саволлар ва жавоблар таҳлили сақланмоғи керак, токи келгуси авлодлар, ўзи тушунмаган нарсалар ҳақида савол тузиш ҳам, жавоб ёзиш ҳам бирдек кишига обрў келтирмаслигини тушуниб етсинлар.

Ўқув биносининг аттестация комиссияси ишлаётган қисмида сирли жимлик ҳукмрон; ҳар ким ўзининг чақиришини ҳадик билан кутади. Номингиз тилга олиндими, комиссия ҳузурига боришдан ўзга иложингиз йўқ. Мажлислар залининг эшигини очиб, салом бергач стуллар орасидаги узун йўлакдан ўтиб хона тўрида ҳайъат учун тайёрланган жойда қатор тизилиб ўтирган комиссия аъзолари олдида тўхтайсиз, ҳар эҳтимолга қарши беўхшов тавозе ила яна салом берасиз. Саломингизга алик олиб ёки олмай ўтиришингиз учун жой кўрсатишади. Қимтинибгина ўтирасиз. Қарайсиз: сиздан олдинда ўнтадан кўпроқ комиссия: аъзолари, орқада эса ундан ҳам кўпроқ кишилар. Қайси гуноҳингиз учун бу қадар сиқувда қолганингизни тушунолмай ҳайрон бўласиз. Бу орада раислик қилувчи сизнинг анкетангизни маънодор қилиб ўқийди. Кейин эса рўйхатда бор ёки ўзлари тўқилган саволлар берилади. Ҳар иккала турдаги саволлар ҳам олдин эслатилгандек, ўта "мақтов"га лойиқ. Саволларнинг беўхшовлигини рўкач қилиб, эътироз билдирмоқчи бўласиз; атрофингизга қараб, ҳаракатингиз бесамар бўлишига кўзингиз етгач, таслим бўлишдан ўзга иложингиз қолмайди — тақдирингизни "улар" қўлига бутунлай топширасиз.

Чиқиб туришингиз кераклигини айтишади. Ташқарида "муаллақ" қолиб, таклиф этишгач "ҳукм"ни эшитишга кирасиз.

Ҳукм ғайритабиий туйғу пайдо қилиши аниқ: лавозимингизга "лойиқ" топилганингиз сизни хурсанд қилолмайди, сабаби хурсанд бўлиш эътиқодингизга қарши бориш — "нуфуз"ли комиссияни тан олиш эканлигини бутун вужудингиз билан ҳис этиб турасиз; лавозимингизга "нолойиқ" топилганингиз ҳам хурсанд қилолмайди сизни, чунки ишсизлик ва у билан боғлиқ жуда кўп ташвишларни кутаётган, ҳамда севимли касби билан шуғулланишдан маҳрум бўлаётган киши фақат эс-ҳушидан айрилган бўлсагина хурсанд бўлиши мумкинлигини тушунмаслигингиз мумкин эмас.

Ҳуллас, комиссия аъзолари ҳам, олий ўқув юрти раҳбарияти ҳам аттестация ҳақидаги танқидий-таҳлилий мақолалар билан таништириб борилди. Нега ҳанузгача, ҳар иккала тараф ҳам жим? Конституциямизнинг 2-моддасида *"...мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар"* тарзда айтилган жумла уларнинг фаолиятига доир саволлар туғилганда жавоб бериш мажбуриятини юклашини тушунмайдиларми? Нега шундай вазиятда ақл билан иш кўрмаймиз?

Таълим манфаати туғилган саволларга, улар қанчалик оғир бўлмасин, жавоб беришни тақозо қилади.

**Шакар АБДУҒАНИЕВ**

## Дараклар

### ЭРОН МУЗОКАРАЛАР ТАРАФДОРИ

***Эрон ўз ядро дастури билан боғлиқ масалалар муҳокамасини БМТ Хавфсизлик Кенгашига топширишмаслик учун Европа Иттифоқи билан қайта музокаралар олиб бориш таклифи билан чиқди. Бу ҳақда «Рейтер» ахборот маҳкамаси хабар тарқатди.***




Душанба куни Лондонда музокаралар олиб борилди. Унда АҚШ ҳамда ЕИ Россия ва Хитой мамлакатини Эронга нисбатан кескинроқ чоралар кўриш зарурлигига ишонтиришга ҳаракат қилди. Уринишлар беҳуда кетмади. Эрон Ислом республикасининг ядро дастури муҳокама учун БМТ Хавфсизлик Кенгашига топширилди.

Буюк Британия, Германия ва Франциядан ташкил топган «Евроучлик» вакиллари Эрон вакиллари билан учрашиб, уларнинг таклифини эшитишди аммо улар билан қайта мулоқот олиб бормасликларини маълум қилишди.

Эрон МАГАТЕ билан илмий тараққиётни ривожлантириш учун уран моддасини тўйинтириш борасида келишувни имзолашни таклиф қиларкан, бироз олдин Эрон томони қилинган таклифларни рад қилган бўлса, энди уларнинг айримларига розилик билдирди. Эрон АЭСлари учун ёқилғи маҳсулотларини Россия ҳудудида ишлаб чиқариш таклифини қабул қилди. Шунингдек, 2 февралга белгиланган МАГАТЕ мажлиси бўлиб ўтгунга қадар Эрон гексафторид газини ўт олдирмаслик таклифини ҳам қабул қилди. Яна расмий Теҳрон уранни тўйинтириш борасидаги масалани Европа Иттифоқи билан муҳокама қилишни давом эттиришга ваъда берди. Бу борада агарда музокаралар 2 йил давомида керакли натижаларни бермаса, унда Эрон ишлаб чиқариш доирасида уранни тўйинтириш имкониятига эга бўлади.

### ГРУЗИЯ ЧЕТДАН ГАЗ ОЛДИ

***«Новости-Грузи» хаборот агентлигининг хабар беришича, Душанба кунидан бошлаб Грузия 35 йилдан буён илк бора Эрон газидан фойдалана бошлайди.***



«Тбилиси вақти билан 00:10да Эронда Грузияга аталган газлар оқиб ўтувчи қувурлар мурвати очилди. Тахминан ярим суткалардан кейин табиий газ Украинага етиб келиши керак», — дея маълумот берган Грузия Халқаро газ корпорацияси.

ГХГК икки мамлакат ўртасидаги ушбу шартномани имзолаш жуда машаққатли кечганлигини айтди. Улар Эрон газининг баҳоси ҳақида маълумот бермади. Аммо баҳор ойларидан бошлаб айрибошлаш усулида Эронга электр энергияси етказиб берилишини ва келажакда Эрон табиий газ етказинишни давом этишини маълум қилди.

### БОШ КОНСУЛЛИК ИШ БОШЛАДИ.

***30 январь куни Санкт-Петербургда Швейцариянинг бош консуллиги очилди. Бу ҳақда Россия Вазирлар Маҳкамаси журналистларга маълумот берди.***

Ҳукумат Россия Ташқи ишлар вазирлигининг федерал ва ҳудудий органлар билан келишилган Санкт-Петербургда Швейцария Конфедерациясининг бош консуллигини очиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Консуллик округи Карелий ҳудудини, Коми Республикасини, Архангельск, Волгоград, Калининград, Ленинград, Мурманск Новгородск ва Псков областларига хизмат кўрсатади. Россия ТИВгига Швейцарияни ҳукумат қароридан бохабар қилиш вазифаси юклатилди.

### ЛИВАН ПРЕЗИДЕНТИ ТАҲЛИКАДА

***Ливан президенти Эмил Лоҳуд «Моссад» Исроил разведкаси унинг орқасидан кузатиб юрганлигини маълум қилди.***



Якшанба куни Ливан газетаси «Ал-Анвар» республика президенти ўтган йилнинг охирида унинг жонига суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўрилаётганлигидан огоҳлантирувчи бир нечта телефон қўнғироқларини қабул қилганлиги ҳақидаги мақолани эълон қилди. Барча қўнғироқлар «Моссад» агентлари фаол ишлаётган Европа мамлакатларидан қилинганлиги аниқланган. Душанба куни президентнинг Ахборот бўйича маслаҳатчиси Рофиқ Шлялнинг тасдиқлаган ахбороти ҳам чоп этилди.

Президент маслаҳатчисининг маълумотича, Лоҳуд ҳар эҳтимолга қарши телефон суҳбатларини ёзиб олганлигини, агарда унинг жонига қасд қилинадиган бўлса, бу кассеталарни ОАВ орқали тарқатишини билдирган.

Ливан сиёсатдонлари ва журналистларга нисбатан уюштирилган суиқасдлар давомийлигини 2004 йилнинг октябрь ойида мамлакат собиқ Телекоммуникация вазири Марвона Ҳамаднинг ўлими бошлаб берганди. 2005 йилнинг февраль ойида бош вазир Рофиқ Харири Ливан пойтахтидаги меҳмонхоналардан бирининг олдида миналаштирилган автомобилни портлатиш орқали ўлдирилди.

Сиёсий ўйинларнинг сўнги қурбони ўтган йилнинг 12 декабрида ўлдирилган ливанлик машҳур публицист ва депутат Жубран Твейни бўлди. У Бейрутдаги ал-Мукелис шаҳарчасида миналаштирилган машинанинг портлаши натижасида оламдан кўз юмганди.

**Азиза НАСРИДДИНОВА тайёрлади**

## Хабар

### "ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР КЛУБИ"

Даврнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиқиш, муайян воқеа-ҳодисага омма эътиборини қаратиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, жамият ҳаётида юз бераётган янгилик ва ўзгаришлардан аҳолини тезкор хабардор қилишда матбуотнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Эълон қилинаётган материалнинг қизиқарли, ўқимишли ва мавзу моҳиятини очиб берадиган тарзда баён этиш муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда тутган ўрни, зиммасидаги масъулиятни чуқур ва теран англаган, кузатувчан, изланувчан, кенг мушоҳада юритадиган, кўп ўқиш баробарида уқийдиган журналистгина бунга эришиши мумкин.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Бухоро вилоят бўлими томонидан ташкил этилган "Ёш журналистлар клуби" келгусида ўз тақдирини матбуот билан боғлашга орзуманд ёшларга ана шу касбнинг юқоридаги сингари ўзига хос талаблари, шунингдек, газета, телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари фаолияти, материаллар тайёрлаш жараёнлари, жанрлар тўғрисида кенг маълумот бериш, пировардида улар орасидан шу касбни қисмат деб билган, муносиб, иқтидорли, ёшлар етишиб чиқишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Журналистикага шунчаки ҳавас, юзаки қизиқиш билан эмас, унинг бутун масъулияти, қийинчиликлари, ўзига хос гаштини ҳис этган ҳолда кириб борган ёшларгина соҳада самарали фаолият юрита олади, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раиси, "Бухороnoма" ва "Бухарский вестник" газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоилов. — Ана шу нуқтаи-назардан қараганда "Ёш журналистлар клуби" унинг иштирокчилари учун ўзига хос илк мактаб вазифасини ўтайди.

Яқинда клубнинг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди. Унда бу хайрли ишдан кўзланган мақсад, кутилаётган натижалар тўғрисида фикр-мулоҳазалари баён этилди. Тингловчиларнинг ижод намуналари таҳлил қилиниб, уларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Қирқ нафардан ортиқ ёшни ўз атрофига уюштирган клуб машғулотлари ҳар ҳафта чоршанба куни вилоятда фаолият кўрсатадиган оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, тажрибали журналистлар, олимлар томонидан олиб борилади. Тингловчиларни газета, радио, давлат ва хусусий телевидениелар таҳририятлари фаолият жараёнлари билан таништириш, уларга мавзули топшириқлар бериб, амалий кўникмаларни шакллантириб бориш ҳам режалаштирилган.

**Н. ОЧИЛОВА, журналист**

## Эътироз

### ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЎЗГАНИ ХЎРЛАМАЙДИ

Шимолдаги қўшниларимиз — Қозоғистон республикасида амалга оширилаётган ишлар дунё аҳлида анча қизиқиш уйғотмоқда. Бундан руҳланган қардошларимиз ўзларини чўққига чиқиб олгандек ҳис қилмоқдаларки, бундай ютуқдан биз ҳам мамнунмиз. Ахир ўзбеклар бекорга "Қўшнинг тинч — сен тинч" деб нақл қилмаган. Аслида, бу икки халқнинг тарихи ҳам, тақдири ҳам ўхшаш, бундай яқинликка ҳеч ким раҳна солмоқчи эмас. Аксинча, юртимизда қўшниларимизнинг ютуғи ўз ютуғимиздек қабул қилинмоқда.

Эҳтимол, бу маълум ҳақиқатларни эсга солиш шарт эмас эди, фақат бир кичкина воқеа дилимизни оғритди. "Хабар" телеканалида "Миллион кимга буюради?" интеллектуал ўйинида 27-28 январь куни Юлий Цезарь, Ботухон Наполеон қаторида бизнинг миллий ифтихоримиз, шавкатли бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг номи тилга олинди. Афсуски, дастур бошловчиси Испендр Серқибау бу буюк инсонни уялмай, безбетлик билан "Ақсақ Тимер" деб атади ва шундай ёзиб кўрсатилди. Албатта, бундай беписандликка шунчаки қараб бўлмайди.

Аввало, ҳар қандай одамнинг жисмоний ногиронлигини юзига солиш одобсизлик ҳисобланади. Масалан, АҚШ президентларидан бири Рузвельтнинг икки оёғи ҳам ишламаган, аксарият умрида аравачада юрган. Бу ҳолни биров эсламайди ҳам, юзига ҳам солмайди. Ёки кўплаб машҳур шахслар кўр, шалтанг, кар ва бошқа нуқсони бўлган, булар ҳам эсланмайди. Аммо ўзини маълумотли, ҳатто юксак тараққиётга дахлдор деб ҳисоблаётган баъзи қардошларимиз, қўшниларимиз оддий инсоний одобни ҳам, андишани ҳам унутиб, бизнинг шаънимизга тегишдан тийилмаяптилар. Бунинг билан эса ўзларининг бахил, назари қисқа эканликларини кўрсатиб қўяяптилар. Тўғри, баъзи нуқсонлар телекомпания ёки дастурнинг эмас, ўша бошловчининг калтабинлиги бўлиши мумкин, бироқ уни эфирга узатаётган мутасаддилар қаерга қараяпти?

Қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай Қунанбоев ўз битикларида бир пайтлар "сассиқ қозоқ" деган ибoрадан хижолат чекканини кўп такрорлаган экан. Бугун шароит ўзгарди, замон ўзгарди, қозоқ халқи дунё масштабларини кўзлаб, от сураяпти. Аммо бу дегани атрофга лой сачратиб, ҳеч нарсани писанд қилмаслик дегани эмас. Бугун ҳамма жойда улкан ўзгариш, янгиланиш кетаётганини унутиб бўлмайди. Буюк Амир Темур эса туркий қавм вакили сифатида жаҳон тарихида порлоқ юлдуз бўлиб тураверади.

**Луқмон ҲАКИМ, журналист, Зайниддин ЧОРИЕВ, шифокор, Темур СУЛТОНОВ, менеджер, Маҳфуза ЮЛДОШЕВА, талаба**

## Юбилей

# ТЕМУРИЙЛАР

*Темурийлар насабномаси эълон қилина бошлангач "Соҳибқирон бобомизнинг тўғридан-тўғри авлодлари ҳозир мавжудми?" тарзидаги саволлар кўпаймоқда. Унга жавоб беришдан олдин бир тафсилот билан танишиб ўтайлик.*

*Россия телевидениесининг "Время" дастури бир тадқиқот ҳақида ахборот тарқатган эди (2004 йил, 30 июнда). Эмишки, Оксфорд (Англия) университети профессори Бернан Сайкс (эшитган бўйича ёзилди) одам наслининг кўпайишига доир қандайдир қонунлар асосида таҳлил ўтказибди. Унинг натижасига кўра, ҳозирги пайтда ер юзидаги ҳар 400 кишидан бири Чингизхон авлоди бўлиши мумкин экан. Демак, айни дамда дунёда 16 миллион киши шу авлодга мансуб бўлади.*

*Агар бу далилни фараз деб қарайдиган бўлсак-да, бошқа бир ҳақиқатни тан олиш шарт. Соҳибқирон бобомизнинг авлодлари Чингизхон наслидан фарқ қилиб, ўтроқ, шаҳарлашган турмуш тарзига эга бўлганлар ва улар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларини тўла назоратга олган эдилар. Яна ўшандан бери 700 йилга яқин давр ўтди, авлодлар қарийб 20 марта янгиланди. Энди оддий математик ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак ҳам, 2 (эр-хотин) сонининг 21-даражаси 2097152 га тенг бўлади, бу миқдор ҳозирги юртимиз аҳолисининг қарийб 15 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, Темурийлар бир эмас, бир неча оила эдилар. Биноҳарин, аниқ кўриниб қоладики, Темурийлар насли бутун Ўзбекистонни эгаллаб бўлган, яъни бизнинг ҳаммамиз қайсидир (нечанчидир) авлодимиз билан (орқали) улуғ шажарага бориб тақаламиз! Демак, бизнинг ҳар биримизнинг томиримизда буюк бобокалонимиз қони (бу ўринда — ген, ДНК маъносида) оқмоқда. Бу ҳақиқатни тарих ҳам, табиат ҳам эътироф этади, албатта.*

*Қолаверса, Соҳибқирон Амир Темур от сурган ва давру даврон сурган заминда биз яшаб турибмиз. Биз бу аждодимизнинг чинакам ворисимиз!*

***(Бошланиши ўтган сонларда).***

2.6.3.2.2. ШОҲҒАРИБ
1471 йил — 1496 йил.
Онаси — Хадичабегим.
Ҳирот шаҳри ҳокими. Жасур, табиати чиройли, сўзлари ёқимли, бироқ букри бўлган. Қабрига Султон Ҳусайн ўзи учун тайёрлатган "Санги ҳафт қалам" қора тош ўрнатилади.
Умри — 26 йил.

2.6.3.2.3. АБУТУРОБ
1472 йил — 1498 йил.
Онаси — Менглибий оқача.
Ўғли — Сухроб (1490-1509), Бобур маълумотича, "ғариб бадҳайъат, бир кўзи кўр эди". А. Ироққа кетади ва дарвешликни ихтиёр этади.
Умри — 27 йил.

2.6.3.2.4. АБУЛМУҲСИН
1472 йил — 1507 йил
Умри — 36 йил.

2.6.3.2.5. МУҲАММАД МУҲСИН (Кепак Мирзо)
1474 йил — 1507 йил.
Оналари — Латифасултон оқача.
Султон Ҳусайн Абулмуҳсинга Марв, Муҳаммад Муҳсинга Обивард вилоятини берган эди. Мўмин Мирзо қатлидан сўнг улар ғазабланиб, оталарига қарши исён кўтарадилар, қаттиқ зарбалар берадилар. Кўп ихтилофлардан сўнг муросага келадилар. Уларга Тус, Машҳад, Обивард, Нисо вилоятлари берилади. Шайбонийхон уйқуда Машҳадни босади, кучли қаршилик кўрсатадилар. Енгилиб, ака-укалар қатл этиладилар.
Умри — 34 йил.

2.6.3.2.6. МУЗАФФАР ҲУСАЙН
1473 йил — 1509 йил, Астробод.
Онаси — Хадичабегим.
Астробод ҳокими (1497). Оғир дард билан вафот этади.
Умри — 37 йил.

2.6.3.2.7. МУҲАММММАД ҲУСАЙН
1476 йил — 1503 йил.
Онаси — Менглибий оқача.
Отаси касаллигида Абутуроб (2.6.3.2.3.) билан Ироққа қочади. 1498 йил қўшин билан Астрободни эгаллайди, умрининг охиригача бошқаради. Ҳасба касалидан вафот этади. "Рофизийликни қабул қилган, шоирлиги бор эди" (Бобур).
Умри — 28 йил.

2.6.3.2.8. ФАРИДУН ҲУСАЙН
1478 йил — 1510 йил.
Онаси — Менглибий оқача
Акаси Муҳаммад Ҳусайндан сўнг Астробод ҳокими.
Шайбонийхон қатл этади.
Умри — 33 йил.

2.6.3.2.9. ҲАЙДАР МУҲАММАД
1479 йил — 1502 йил.
Онаси — Пояндасултонбегим.
Машҳад ва Балх вилоятларини бошқарган. Ўз ажали билан вафот этган. Ягона фарзанди — Шодибегим Бобур саройида бўлган.
Умри — 24 йил.

***Попооқачабегимдан туғилган ўғиллар:***

2.6.3.3.0. МУҲАММАД МАЪСУМ
1476 йил — 1501 йил.
Қандаҳор берилган эди. Бошқара олмайди.
Умри — 26 йил.

2.6.3.3.1. ИБРОҲИМ ҲУСАЙН
1478 йил — 1505 йил.
Балх ҳокими. Дарвеш Али (Навоийнинг укаси) унга қарши исён кўтаради. Қойин вилояти берилади. Ичкиликка берилиб, вафот этиб кетади.
Умри — 28 йил.

2.6.3.3.2. ФАРРУХ ҲУСАЙН
1480 йил — 1503 йил.
Ҳукмдорлик қилмаган.
Умри — 24 йил.

2.6.3.3.3. МУҲАММАД ҚОСИМ
1482 йил — 1507 йил.
Шайбонийларга қарши Машҳадда курашмоқчи бўлади. Енгилади ва қатл этилади.
Умри — 26 йил.

2.6.3.3.4. ИБН ҲУСАЙН
1486 йил — 1513 йил Ироқ.
Жасур ва шижоатли бўлган. Акаси Иброҳим Ҳусайндан сўнг 1504 йил Қойин вилояти берилган.
Умри — 28 йил.

***Султон Ҳусайннинг қизлари:***

2.6.3.2.А. ЗАЙНАБСУЛТОНБЕГИМ, онаси — Чўлибегим.
Султон Увайс (2.6.3.1.2.) (вафоти — 1491) ва Абдулбоқи (2.5.2.1.) Мирзоларга никоҳланган (1502). Ўткир сўз устаси бўлган. 1520 йил Бобур ҳузурига кетаётганда Нилобда вафот этган.

***Поядасултонбегимдан туғилган қизлар:***

2.6.3.2.Б. ОҚБЕГИМ
Қизи — Қоракўзбегим Бобурнинг иниси, Ғазни ҳокими Носир (3.6.2.4.3) га узатилган.

2.6.3.2.В. БЕКАБЕГИМ
Холаси Робиясултонбегимнинг ўғли Бобурга узатилган. 1502 йил вафот этган.

2.6.3.2.Г. ОҚАБЕГИМ
Холаси Р.нинг бошқа ўғли — Султон Муродга узатилган.

***Изоҳ: Биз эълон қилаётган бу насабнома тажриба тариқасида бўлиб, унда чалкашликлар бўлиши табиий.***

***Ўтган сонларда эълон қилинган 2.5.1 Аҳмаднинг онаси — Махдумасултон оқа; 2.5.1.1 Муҳаммад Султон (Кичак Мирзо)нинг онаси — Оқобегим(2.6.3.Б) деб ўқинг***

**Ҳаким САТТОРИЙ тайёрлаган.**
*(Давоми бор)*

## Қиёфа

# ЮРТПАРАСТ

***Комил Нуржонов олис мозий ҳақиқатини очишни умрининг мазмуни деб билади***

Эллик ёшни оралаб қолган барваста, ғайрати жўшқин Комил Нуржонов янги лавозим курсисига ўтираркан беихтиёр ўйланиб қолди:

— Шундай қилиб иш жойим Маданият жамғармаси вилоят бўлими. Энди нима қилиш керак?..

К. Нуржонов ўтган йиллар давомида хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатувчи жамғарма жамоат ташкилотини иқтисодий бақувват қилиш учун кўп ҳаракатлар қилди. Аввалдан тарихга баланд меҳри, қолаверса, қўлида қўлёзма ва архив ҳужжатлари тўпланиб қолганидан ўтмишга оид мақолалар ёзиб юрган эмасми, илк мозийни ҳикоя қилувчи тўплам, буклет, рисолаларни нашр этишга киришди. Бу билан у тарихни ўрганишга баҳоли қудрат ҳисса қўшди, ҳам ташкилотнинг қад тиклашига имкон очди. Айни чоғда қадимий қўлёзма китобларни тўплаб, уларни келгуси авлодларга етгудек қилиб асраш, кўҳна маданиятга доир тангалар, буюмлар, мусиқа асбоблари, ўймакорлик санъати асарларини жамлаш, ташкилот корхона ва муассаларда музей ва кўргазмалар очиш ҳамда уларни жиҳозлаш билан шуғулланишга оҳанрабодек шўнғиди.

Унинг ҳокисорлиги билан жамғарма қошида ташкил қилинган бадиий безаш устахонаси рассом, ҳайкалтарош ва дизайнерлари Ал-Беруний, Н. Кубро, А. Навоий, Огаҳий, Мунис, Хоразмий, А. Қодирий, Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов сингари буюк истеъдод соҳибларининг мемориал уй, боғ, музейларини барпо этишди. К. Нуржонов сценарийси асосида юзага келган бундай муқаддас даргоҳлар қисқа даврда ўндан ошиб кетди. Урганч шаҳрининг Мустақиллик майдонидаги осмонга парвоз этай деб турган "Хумо қуши" бронза ҳайкал монументи ҳам бу уддабурон инсоннинг ғоя ва таклифлари асосида ҳайкалтарош Бекпўлат Боғбеков томонидан рўёбга чиқарилди.

Пировардида Комилжоннинг ўлкашунос-тадқиқотчи тарзида тан оладиган, унга ишонадиган бўлишди, эътибор ва ҳурмат кўпроқ ёғилди. Худди шу даврга келиб (1996 йил сентябрида) Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бир неча жамғарма "Олтин мерос" номи билан бирлаштирилди. Жамғарманинг Хоразм вилоят бўлими раҳбарлигига изланувчан ташкилотчи, ташаббускор тадқиқотчи К. Нуржонов номзоди қўйилди. У энди белини тағин маҳкамроқ боғлаб, нигоҳини узоқроққа ташлади, ташкилотга даромад келиши ҳамда музейлар, кўргазма ва монументал асарлар яратиш орқали ўзликни акс эттиришнинг қулай йўлларини излади ва топди. "Урганч ёғ" комбинати, "Хоразм шароб" ҳиссадорлик жамияти, Хивадаги Журен, Боғот туманидаги Боғот қишлоқларида одамларга қучоқ очган тарих ва этнография музейлари, Урганч шаҳрида "Буюк ипак йўли" музейи илк ҳараактлар меваси эди. Ўктам қадамнинг иккинчи маҳсули жамғарма жойлашган тарихий бино Матвафо Баққолнинг икки қаватли уйи музейига айлантирилди. Музей экспонатлари 2 мингдан зиёд нодир буюмлар, турфа ҳужжат ва суратлар билан безатилди.

1999 йилда Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти "АВЕСТО" китоби ёзилишининг 2700 йиллигига бағишлаб махсус қарор қабул қилди. Шунга монанд у музейни Зардуштийлар тарихи ва урф-одатлари ҳолатида ифодалашга журъат ва ҳокисорлик билан киришди. 2000-2001 йиллар ёз ва куз ойларида "АВЕСТО" изидан халқаро илмий экспедиция уюштирилди. Экспедиция М. Маҳмудов, К. Собиров, Т. Жулдузбоев каби тарихчи, археолог олимлар иштирокида ўтган қутлуғ сафарда "АВЕСТО" ва у яратилган давр билан боғлиқ юздан зиёд оҳорли топилмалар музейдан илк бор ўрин олди. Дунё аҳлига маълум бўлган оташхона-ибодатхоналардан қарийб 70 фоизи Ўзбекистонда эканлиги аниқланди.

Ажабо, бир муаммо ечилса, иккинчиси кўндаланг бўлади. Кимсасиз қумлоқ адирлар оша уч-тўрт ой юриб эски қалъаларни кавлаб риёзатлар чекиб ўтказилган экспедиция замирида тўпланган 3 мингинчи йилларга дахлдор асори атиқалар учун тор хоналардан жой топилмай қолди. Тарихга ойдинлик бахш этувчи бу хайрли ишга тегишлича баҳо ва эътибор йўқлиги учун жамғарма 14 йил мобайнида 5 жойга кўчди. Комилжон бўш келмади. Шундай дамларнинг бирида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб Тошкентда "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзуида Республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада фаол иштироки учун "Олтин мерос" жамғармаси Хорзам вилоят бўлими раҳбари Комилжон Нуржонов диплом билан тақдирланди. Бу айни чоғда экспедиция материалларининг тан олиниши ҳам эди. Шу важдан вилоят ҳокимлиги "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси бўлимига "Авесто" боғ мажмуасидан жой ажратиб берди. Музей боғнинг биносидаги 10-хонасига жойлаштирилди. Қандай ажойиб, шоирона тил билан айтилса гўё узукка қош қўйгандек ярашиғлик.

Музейнинг "Археология", "Авесто", "Этнография", "Санъат ва адабиёт", "Ўймакорлик", "Маъмун академияси", "Комилжон Отаниёзов хонаси", "Еркиной Сафаева хотираси", "Хоразм қаҳрамонлари" деб номланган бўлим ва бурчаги мавжуд. Ноёб экспонатлар орасида эрамиздан аввалги ассурийлар, Хоразм ёзувларидан намуналар, Алишер Навоийнинг XVI-XVII асрларга оид "Хамса" достонлари қўлёзмаси, 2-3 минг йиллик археологик топилмалар, безаклар, тангалар, расм, портретлар, уй-рўзғор буюмлари, қимматли ва бошқа ашёлар бор.

Таъбир этилганидай ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас дейдилар. Ҳа, Комилжон бу нақлга амал қилади. Ҳамиша ўз элини, унинг бой тарихини севадиган ва қўллаб-қувватлайдиган хивалик археолог Шихназар Матрасулов, нукуслик тарихчи олим ва этнограф Ғайриддин Хўжаниёзов, тошховузлик фольклоршунос Собир Эҳсон Турк, қашқадарёлик ўлкашунос Набижон Хушвақтов, тарих фанлари доктори Мирсодиқ Исҳақов каби холис, ҳамфикр дўст ва фаолларига суянади. Гурланлик қаламкаш Умид Бекмуҳаммад, хивалик Гавҳаржон Дурдиева, Комилжон Худойберганов, ўлкашунос журналист Шаркия Эшжонова каби ўнлаб садоқатли шогирдларга таяниб иш кўради. Бу унинг фазилати ва устувор хислати деса бўлади.

Жамғарма шаҳар, туман бўлимлари, фаоллар ва жамоатчилик мадади яққол кўринди. Ўтган йиллар давомида 20 та меҳнат жамоаси ўз боғ ва уй музейларига эга бўлди. 25 дан зиёд тарих ва ўлкашунослик мавзуида рисола, брошюра жаридалар чиқарилди. "Авесто"нинг яратилиши, "Авесто қадамжолари" номли икки қисмдан иборат ҳужжатли телефильм, "Буюк ипак йўли", "Авесто 2700", "Хазорасп 2002" каби халқаро илмий экспедициялари уюштирилиб, юздан зиёд экспонатлар жамланди, музей чин маънода халқ мулкига айланди.

XV-XIX асрларга доир 45 та нодир қўлёзма Хоразм Маъмун академиясига ҳадя этилади. К.Нуржонов ҳамиша изланишда. Архив ҳужжатлари титкилаш, археологик экспедициялар унинг севимли машғулоти.

Яқин-яқинларгача Урганч шаҳрининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган ариқаларнинг тарихини унгача ҳеч ким илмий шарҳлаб беролмаган. Ваҳоланки бу маҳаллий аҳолини қизиқтирарди. К. Нуржонов ўша ариқларнинг 1840 ва 1873 йилги Россия-Хива уруши чоғида аср тушган ўрис мардикорлари қурганликларини, шунингдек, Оқдарбанд форсийлари, оқмачитлик немислар ва Қўнғирот қўзғолони тарихини, улуғ рус шоирлари А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтовнинг хиваликлар фольклори "Ошиқ Ғариб" достонига меҳри тушгани, Урганч шаҳрида А. Герман номига кўча қўйилганлиги сабабларини аниқлаб матбуотда "Қирғизёп" ва "Ўрисёп" номлари қандай пайдо бўлган? "Қайдасиз, Оқмачитлик немислар?" "Хива ва хиваликлар А. С. Пушкин ижодида", "Сизга таниш ва нотаниш Анна Герман" сарлавҳали унутилмас мақолалар билан чиқди.

Ижод мавж урса уни тўхтатиб бўлмайди. "Хоразм тарихидан лавҳалар", "Жўрён жилолари", "Кўҳна ва янги Урганч", "Хоразм латифалари", "Хазорасп тарихи", "Қаҳрамонлик ва сотқинлик саҳифалари", "Дурри ажойиб", "Авесто ворислари", "Амударё", "Манғитлар тарихи" сингари 50 дан ортиқ китобча ва рисолалар Комил Нуржонов қаламига мансуб. Улар оддий ва халқчил ёзилганидан аллақачон нодир библиографик нусхага айланди.

Цивилизациянинг Хоразмча ифодаланиши "Авесто"да аниқ эътироф қилинган. Бу эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу амаллар деганидир. Шу уч хислат, ҳикмат — инсонда муқаррар бўлмас экан, ҳаётимиз бут, саодатимиз тўкис бўлиши даргумон. Не-не азобу югур-югурлар билан ташкил этилган жамоат боғ ва музейлардан бугун лоақал 3 таси, 44 ўринда бинойидек ишлаб турган китоб — зиё дўконларидан 4 тасигина қолди. Кинолаштириш тугатилди. Агар инсон ўз юрти тарихи учун, ўз келажаги учун жон олиб, жон бермаса, сероб имконни кўра билмаса, ундан фойдаланишда мушкулотлардан қўрқса, у Ватаннинг ҳақиқий фарзанди бўла олмайди. Чин ўғлонгина Ватаннинг ишончли вакили ёғдули келажагидир.

**Арслон ОТАЖОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Ибрат

# КЎНГИЛ ТАЪЛИМОТИ

Инсон қалбини кўзгуга ўхшатишади. Агар уни тез-тез артиб, поклаб турсанг ялтирашидан дилинг қувнайди. Акси бўлса, занг босиб, қаровсиз ҳолга келади. Қалбнинг покланиши худди ялтираган кўзгу каби. У ғуборлардан, ёвуз иллатлардан, ёмон хулқлардан тозаланмаса, занглайди...

Тасаввуф таълимотида нафс тарбияси ҳақида жуда кўп гапирилади. Негаки, кўнгилни поклаш фақат нафс тарбияси билан амалга ошади.

Жаноби Ҳақ Марям ўғли Исога: "Эй, Исо! Аввало ўз нафсингга ўгит бериб кўр, агар бу ўгитнинг фойдасини кўрсанг, бошқаларга ҳам ўгит бер, йўқса, Мендан уялгин" — деб буюрди (Дайламий Абу Мусо ҳазратларидан ривоят этган).

Инсон аввал ўз қусурини кўриб, уни тузатиб, кейин атрофга назар ташласа, "Мўмин мўминнинг кўзгуси" дейилган ҳадиснинг маъносига тушунади. Демак, биродарингда кўринган қусур уники бўлмай, ўзингнинг қусурингдир. Аллоҳ бир биродаринг ёрдамида сени огоҳлантиряпти.

Инсоннинг нафси тарбиялангани сари унинг хулқи гўзаллашаверади. Тарбия олганингиз сайин эса, ўзингиздан нафратланасиз, холос. Чунки инсонда қусурлар, камчиликлар шу қадар кўпки...

"Ислом, Тасаввуф ва Ахлоқ" номли китобдан иқтибос: "Ҳазрати Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: — Охир замонда фитналар бўлади, — дейдилар.

— У пайтда нима қиламиз? — деб сўрайдилар.

— Уйингизда беркиниб, аралашманг! — дейдилар. Яъни, мусулмонлар орасида тортишув, шовқин-сурон бўлади.

—Хўп, уйимизга келсаларчи?...

— Ҳазрати Одамнинг яхши фарзандлари каби бўлинг! — дедилар.

Хайрли, яхши авлоди қайсиси? Ибодати қабул бўлгани... Қўл кўтарманглар, бир-бирларингиз билан тўқнашманглар! — дейдилар. Исломнинг тарбияси будир. Амалга ошириш айри масала. Чунки мусулмонлик гўзал, мусулмонлар эса жуда қусурли, нуқсонлидир..."

Дарҳақиқат, Ислом жуда гўзалдир. Биз ундаги гўзалликларни тасаввуф таълимоти орқали янада теранроқ англаймиз. Бу таълимот вакиллари Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратлари, Мавлоно Жалолиддин Румий, Абдулқодир Гилоний каби азиз инсонлардир. Улар хушахлоқ, фидойилик билан барчанинг муҳаббатини қозонганлар.

Бугун ён-атрофимизда содир этилаётган жоҳилона ҳаракатлар негизида том маънода маърифатсизлик ётмайдими? Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, исломий ҳақиқатлар тасаввуфий таълим асосида тушунтирилиши лозим. Чунки тасаввуфсиз маърифат ва ҳақиқат қарор топмайди. Инсон жоҳил эмас, Аллоҳни таниган, маърифатуллоҳга эришган, ориф бўлган бир киши бўлиши керак. Ирфон ва маърифатуллоҳ ҳам, нафс тарбияси ҳам, тақво ва ихлос ҳам барчаси тасаввуфнинг асосий масалаларидандир, дея уқтирадилар тариқат пешволари.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Ичингдаги ичиндадир" номли асарида бир ибратли воқеа бор. Ушбуни келтиришдан мақсад, айни пайтда ўзларини мўмин-мусулмонман, дея даъво этаётганларнинг баъзиларида маънавий ҳолни кўрмайсиз, ҳаттоки улар суҳбатидан файз ҳам олмайсиз. Нега? Инсонда нафс тарбияси бўлмас экан, у ўзини кўкларда кўради. Тўғри, илми бор, нутқи гўзал, лекин ахлоқичи? — Ким илм ўрганиб, унга амал қилмаса, илм фақат унинг кибрини зиёда қилади, — дейдилар Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу. Хуллас, воқеа бундай баён этилади: "Усмон розийаллоҳу анҳу минбарга чиқди ва халқ: "Ажабо, у не дер экан?"— дея кутди. Бироқ Усмон индамади. Ақалли бир сўз ҳам айтмади, фақат боқди ва халқда шундай бир ҳол пайдо қилдики, ташқарига чиқишга уларда мадор қолмади. Шу вақтгача қилинган юзлаб зикр, ваъз ва хутбалардан халқда бундай ҳол ҳосил бўлмаган эди. Ҳамда улар бундай ҳол соясида ўзлари учун фойда ва сирларни ҳеч қачон бунчалик кўп кашф этмаганди. Йиғин сўнггига қадар Усмон гапирмади. Фақат минбардан инмоқчи бўлгандагина: "Сиз учун фаол имон маҳмадона имондан хайрлидир" (ҳадис) — дея буюрди. У ҳақ гапни айтди. Чунки сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартирмоқ ва ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир. Ҳолбуки, Усмон ломмим демасдан гапирган вақтидагидан кўпроқ фойда келтирди. Шунинг учун унинг айтгани тамоман савобдир.

Усмон ўзини фаол деди. Ҳолбуки, минбарда экан, кўз билан кўриш мумкин бўлган бирон иш қилмади. Намоз қилмади, ҳажга бормади, садақа бермади, зикр этмади ва, ҳатто, хутба ўқимади. Демак, амал ва феъл фақатгина бу кўринган ҳаракат ва фаолиятдан иборат эмас. Булар, балки у амалнинг суратидир ва у (амал) жондир. Мустафо: "Менинг асҳобим юлдузларга ўхшайди, уларнинг қайси бирига эргашсангиз ҳам ҳидоятга эришасиз" (ҳадис) дея буюрадилар. Инсон юлдузга қараб йўлини топади. Лекин юлдуз унга бирон нарса дейдими? Йўқ, асло! Киши юлдузга боқиб, тўғри йўлни хатолардан ажратиб олганидек, валийларга қараб ҳам мақсадига етишади. Валийлар уни вуслат манзилига олиб борурлар".

Аллоҳ таоло бизларга мустақилликни неъмат қилиб берди. Бу неъматдан ўзини мусулмон санаган ҳар қандай инсон эса ҳамиша шукрда бўлади, Аллоҳдан қўрқади. Пайғамбаримиз бундай дуо қилар эканлар: "Ё Раббим, менга ҳақни ҳақ ўлароқ кўрсат ва унда яшашни насиб эт. Ботилни ботил ўлароқ кўрсат ва ундан қочмоқни насиб эт".

Ҳаёт мураккаб ва ўта нозик. Бу дунёда яшашни ҳам гўёки қиёматдаги сирот кўпригига ўхшатгим келади. Чунки ҳақ билан ботилни билмаслик оқибатида инсон нималар қилиб қўяётганини билмайди. Буларни бир-биридан ажратиб олиш учун ҳар томонлама илм-маърифатли бўлиш, бу кун талаби.

**Лола НАСРУЛЛОҲ**

Луқма

## ГАРДЕРОБ УЧУН 200 СЎМ

### ёки бир концертдаги ҳангомалар

Шу йилнинг 15 январида Халқлар Дўстлиги саройида "Лазги чалинг, ўйнайлик" дастурини мириқиб томоша қилдик. Ўша куни Хоразм санъати мухлислари учун чинакам байрамга айланди. Суюкли хонанда Олмахон Ҳайитованинг янгроқ овози барчани ҳайратга солди. Эл ичра танилиб бораётган Оғабек Собиров қўшиқлари дастурнинг гултожи бўлди, десак адашмаймиз.

Лекин томоша маданияти билан боғлиқ баъзи ҳолатлар рўй бердики, ундан санъат ихлосмандлари анчайин ранжидилар. Гап мухлисларнинг севган хонандасини гул билан табриклаш ҳақида бораяпти. Томошадаги аксарият мухлислар ижро этилаётган қўшиқ тугашини кутиб ўтирмасдан куй авжига чиққач саҳнага чиқиб ўзи ва мурғак боласи орқали гул тақдим қила бошлади. Агар саҳнанинг икки томонидан бу ишга қўриқчилар тўсиқ бўлишса, беписандлик билан ўртадан кириб гулни тиқиштиришарди. Бу ҳам камлик қилгандек, қўшиқ куйлаётган ва гул берилган хонанда ёнида туриб суратга тушишни талаб қилишарди. Хонанда бундай ҳолатда, албатта, ўзига илтифот қилган мухлисни ранжитмасликка ҳаракат қилади.

Авваллари қишки кийимда концерт залида ўтириш маданиятсизлик саналарди. Энди эса пальто, плаш билан ҳам бемалол саҳнага чиқиб кетишаяпти. (Дарвоқе, яна бир янгилик: гардеробга кийим топшириш учун 200 сўм нарх белгиланибди). Энг ёмони, бундай хунук ҳолатларга нафақат мазкур концерт ёки даргоҳда, балки аксарият томошаларда гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Жамоатчиликка томоша кўрсатиладиган саҳна азалдан табаррук жой саналади. Унинг оёқости бўлишига йўл қўйиш маданиятсизликдан бошқа нарса эмас. Ўрни келганда айтмоқчимиз: санъаткорлар ҳам саҳнада айтиладиган сўз масъулиятини ўйлаб кўришса яхши бўларди. Бир мисол: 2005 йил август ойида "Ниҳол" танлови пайтида бошловчи Самандар Ҳамроқулов навбатдаги хонанда чиқишидан сўнг шундай баҳо берди: "Қойил, ажойиб, тан қўриқчи, албатта керак". Бу баҳони қандай тушунасиз? Шуниси ажабланарлики, танловда айтилган бу сўз миллионлар нигоҳи — телеэкранда ҳам монтаж қилинмасдан бериб юборилди.

Ҳа, саҳна оёқости қилинадиган жой эмас. Бу борада ҳам халқимизнинг санъатсеварлиги, шинавандалиги кўзгудагидек намоён бўлиши керак.

**Саодат ЖАББОРОВА**

Кўргазма

# НАВОИЙГА БАҒИШЛАНДИ

***2006 йил 29 январь куни "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси биносида таниқли рассом, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Муҳаммад Фозилий асарларининг "Коинот воҳаси" ("Космоазис") номли кўргазмаси иш бошлади. "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси ва "Ҳамоҳанглик" ("Совзвучие") ижодий маркази ҳамкорликда ташкил этган ушбу кўргазма ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига бағишланган.***

Кўргазмадан рассомнинг илгари халқаро кўргазмаларда қатнашган ва энг яхши янги асарларидан 20 дан зиёди ўрин олган. Қўқон шаҳрида туғилиб, ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида ижод қилаётган Муҳаммад Фозилийнинг "Буюк Навоий", "Тош устидаги шаҳар" ва "Қора чорқиррадан халос бўлиш" каби асарлари томошабинни ҳайратга солади.

— Ўз асарларимда коинот ўлчамлари, фалсафий мушоҳадалар ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб, шу тушунча ва туйғуларни картиналарим орқали томошабинлар диққатига ҳавола этишга ҳаракат қилдим, — деди рассом кўргазма очилиш маросимида.

Кўргазмага ташриф буюрган зиёлилар, иқтидорли болалар, хорижлик меҳмонлар асарларнинг ўзига хослиги, гўзаллиги ҳамда самимиятини алоҳида қайд этдилар.

Ушбу кўргазма ва ижодий учрашувга Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги болалар уйлари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, маҳаллаларнинг фаоллари, қизиққан барча фуқаролар қатнашиши кўзда тутилган.

Кўргазма Навоий ҳазратлари таваллуд топган — 9 февраль кунигача давом этади.

**"Meros-news" ахборот хизмати**




А.ҲАКИМОВ чизган

Ҳажвия

# ИНТЕРФАОЛ "УСУЛ"ДАГИ ДАРС

Ҳурматли ўқувчилар, бугунги дарсимизни интерфаол усулда ўтамиз. Эркинроқ бўлишга, савол-жавобларда фаол қатнашишга ҳаракат қилинглар. Биология фанининг ҳаётимиздаги аҳамиятини такрорлаб ўтишга ҳожат йўқ. Демак, бошладик... Алимов кепкани еч. Ходжаев кетингга қарама, олдингга қара! Кимда қандай савол бор? Турғунов нима демоқчисан?

— Қорасувда "Жинлипи"нинг нархи қанча?

— Бу ер сенга бозор эмас. Ўйлаб савол бер.

— Ўқитувчилар хонасида бўлаётган савдо қулоғимга чалинганди...

— Гап қайтарма. У ерда ҳеч қанақа "Жинлипи" йўқ эди. Ўйлаб гапир дедим-ку. Ўтир. Давом этамиз. Ғаниева кўзгуга камроқ қара. Жигар рангни сочга, кўкини кўзга, қизилини эса лабга суртиш керак. Сенда эса тескариси, бефаросат. Қилпиллама Жиянов!

— Нима?

— Беҳудага иржаяверма деяпман. Йигит дегани джентельменроқ бўлиши керак. Уят! Давом этамиз. Розиқов ўтилган мавзуни гапир-чи!

— Ўтга-а-ан дарсимизда... мушуксимонлар ҳақидаги мавзуни ўтганмиз. Мушук мушуксимонлар оиласига мансубдир. Вояга етган эркак мушук 5-7 км. масофадан туриб ўз хешининг ҳидини оларкан. Одамсимонларда эса сал бошқачароқ...

— Яъни, одамсимон маймунларда демоқчисан-да?

— Йўқ, севишганларда демоқчийдим.

— Разиқов! Жумлаларни адаштириб юбординг. Биз одамсимонлик даврини яшаб ўтганмиз. Лекин ҳозир ҳам одамсимон маймунлар бор, дейишинг керак эди. Ўтир! Кўпроқ ўқи! Салимова, қанақа духий сепгансан, французларникими?

— Менда духи йўқ. Ёнимдаги Санаев туфлисини ечиб ўтирибди.

— Санаев сенга рухсат. Лекин билиб қўй, атирни оёғигача суриб юриш маданиятдан эмас. Алиева ухлаб қолдингми, кўтар бошингни. Мушуксимонлар мавзусини давом эттир.

— Тайёр эмасдим.

— Баҳоналарни қўйиб, фақат ростини гапир.

— Ҳалиги...

— Гапир, ростини гапиравер!

— "ТНТ"дан кино қўювди.

— Хў-ўш!

— Кино тугагач, тонг отиб қолди.

— Ўқувчи дегани ораста бўлиши, биологик режимга қатъий риоя қилиши керак. Сериал тугаши билан уйқуга ётинглар деб айтгандим-ку. Қулоқсизлар. Давом этамиз... Атамирзаев дафтарингни олиб доскага чиқ. Конспектингни кўрсат-чи...

— Мана.

— Дафтаринг муқовасидаги расм кимники?

— Буни боғча боласиям танийдику, Ҳурматой Амановна. Бу ўша машҳур Карлос Даниел. Бошқа сериалларда ҳам қатнашган. Аввалгиларида бесоқол эди, бунисида эса... дарвоқе, "Муҳаббат можароси"да негадир иштирок этмабди. Умуман, шу ўринда Ёшлар телерадиоканалига эътирозим бор. Шу ҳақда ўйлаб кўришса! Яъни бундан буёнги намойиш этилаётган сериаллар бош мавзуси жуда зерикарли ва сийқаси чиққан, нуқул эркак билан аёлнинг ишқий можароси, қўйди-чиқдиси. Янги мавзудаги сериални фурсати етмадимикин? Ахир у ёқларда эркак билан эркакнинг ҳам...

— Яхши, етарли. Астойдил бўлгин. Сенда ўткир зеҳн бор, Атамирзаев. Сен ўқишинг керак, ўтир!

Азиз ўқувчилар! Интерфаол усулдаги дарсимизни давом эттириб, анча узун — калтакесаксимонлар оиласи ҳақидаги мавзуни бошлаймиз. Дафтарларни очиб ёзинглар: бу-қа-ла-мун-лар...

Уйга вазифа: бу-қа-ла-мунларнинг ҳаёти, унга тақлидчан ва мослашувчанлик, бетайин, хусусиятлари ҳақида конспект ёзиб келиш. Агарда бошқа саволлар бўлмаса интерфаол усулдаги "замонавий" дарсимиз тугади.

**Антиқа дарсни Муҳиддин МИРЗААҲМАД оққа кўчирди**




**"Тошкент монументал комбинати" ОАЖ акциядорларининг Умумий йиғилиши 2006 йил 28 февраль соат 12⁰⁰ да корхона жойлашган ҳудудда бўлиб ўтади.**

**Манзил:** ***Тошкент ш, 1-Катта Миробод кўчаси, 32 уй.***

**Кун тартиби:**

**Акциядорлик жамият Устав жамғармасини кўпайтириш.**

Тадқиқот

# КОШОНАЛАРДАГИ АНДУҲ

Машҳур шоир ва олим Шарофиддин Роқимий (XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошлари) ўзининг "Тарихи томм" асарида қуйидаги маълумотни келтиради: "Аммо ул зотнинг кимдандир кўнгли ранжиб, подшоҳнинг суҳбатидан ўзини тортиб юрди. Кўп таклиф қилишди, кўнмади. Охирида Мавлоно учун бир пора олтин жўнатилди. Ул зот болохонасида ўтириб эди. Подшоҳ эҳсонини қанчалик кўз-кўз қилмасинлар, истиқбол этмади ва ушбу рубоийни бадеҳа тарзида айтди:

*Урфии мо дили хеш дигаргун накунад,*
*Дарюза ба жуз дарун пурхун накунад.*
*Сомони биҳишт агар аз ин кўча кашанд,*
*Уммеди сар аз дарича берун накунад.*

(Урфимиз кўнглини ўзгартирмайди. Қалб ичидан бошқасини пурхун этмайди. Жаннат шуҳратин бу кўчадан ўтказишса ҳам, умид бошини дарчадан чиқармайди,". (Шарофиддин Роқимий, "Тарихи томм", Маънавият, 1998, 127-бет).

Бу зоти киромий бобурийлар сулоласи даври Ҳиндистондаги форсий шеъриятга умумжаҳон шуҳрат бахш этган Жалолиддин Муҳаммад ибни Зайнуддин ибни Жалолиддин Чодарбоф Урфий Шерозий эди. Бўлажак оташнафас шоир Урфий 1556 йили Шерозда давлатманд оилада дунёга келади. Унинг отаси Зайнуллобиддин Шероз ҳокимининг девонбегиси-доруғаси эди, айни пайтда у маърифатли, донишманд одам ҳам эди. Урфий замонасидаги барча билимларни эгаллайди, бадиҳа шеър айтиш, латифагўйликда шуҳрат қозонади. Йигитлик палласида бир карвонга қўшилиб Ҳиндистонга саёҳат қилади. Иттифоқо, Акбаршоҳнинг сарой олимлари Ҳаким Абулфатҳ Гелоний ва Сипоҳсолар Абдураҳим Ҳасанхонлар уни саройга жалб этиб, тарбияси билан жиддий шуғулланадилар. Йигитлигида Мавлоно Саидий тахаллуси билан шеър ёзган шоир энди Урфий Шерозий номи билан ижод қила бошлайди. Даврининг Шайх Файзий, Шайх Абулфазл, Ҳожа Ҳусайн Саноий сингари машҳур шоирлари билан ҳамсуҳбат бўлади, мушоиралар ўтказади. "Назми салсабил таъмини бериб, насри Фроту Нил хосиятига эга бўлган" (Ҳафт Иқлим) Урфий умр бўйи шеъриятнинг барча жанрларида ижод этиб, жозиб қасидалар, дилангиз ғазаллар, оташбор рубоийлар, мафтункор маснавийлар яратди. Урфий 1588 йили шеърларини тўплаб, девон тартиб берди. Теҳрондаги "Китобхонаи Санноний" нашриёти 2001 йили шоир девонини учинчи дафъа чоп этди. Унда 50 та қасида, 580 та ғазал, 800 та қитъа, рубоий, маснавий, таржеъбанд, таркиббанд, соқийнома ва бошқа кичик жанрлардаги шеърлар жамланган. Бундан ташқари шоир тасаввуфга доир "Нафиса" номли насрий асар, Роқимийнинг таъкидлашича, Низомийнинг "Махзанул асрор"ига ўхшатиб "Аройисул абкор", "Хусрав ва Ширин"га эргашиб шу номда (баъзи манбаларда "Фарҳод ва Ширин" деб уқтирилган) маснавийларини яратган. "Тарихи томм"да ана шу ишқий-саргузашт достондан парча келтирилган.

Шоир 1590 йили Лоҳурда вафот этади ва шу ерга дафн қилинган. Аммо васиятига кўра кейинчалик шогирдлари унинг суякларини олиб, Нажафга келтириб, иккинчи марта дафн этадилар.

Урфий Шерозий Акбаршоҳ ва унинг ўғиллари, вазиру вузароларидан илтифот кўрди, уларнинг ҳомийлигида яшади. Шунинг учун шоир қасидаларининг асосий мамдуҳлари Ҳаким Абулфатҳ, Жалолиддин Акбаршоҳ, Мир Абдулфатҳ, Хонихонон, Шаҳзода Салимлар ҳисобланади. Бундан ташқари девонда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳамда ҳазрати Алига бағишланган қасидалар, Кашмир таърифи, Ҳасби ҳол, замондан шикоят каби шеърлар ҳам ўрин олган.

Сиртдан қараганда Урфий қасидаларида фақат мамдуҳлар таъриф-тавсифи берилгандек туюлади. Аммо ҳар бир шеърнинг ботиний жиҳатига назар солсак, уларда шоирнинг дард-ҳасрати, ўзга юртдаги биқиқ ҳаётдан безиш оҳангларини ҳис қилиш мумкин. Айни пайтда Хонихонон, Абулфатҳ сиймоларида Урфий чинакам адолатпеша, илм-фан, бадиий ижод аҳлининг ҳомийлари, маънавият пешволарини, шижоат ва жасоратли инсонларни кўради.

Барча тазкиранавислар Урфий ғазаллари мазмун-мундарижа, шакл жиҳатидан ҳам, поэтик нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос бир поғона, палла бўлганлигини уқтиришади ва ҳатто "барча фанда беназир эрди" ("Мажмаъ-ул-хавос") деб таърифлашган. Зероки, Урфий ғазал жанрида лирик қаҳрамоннинг тор интим кечинмалари билан бирга, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий, замона мазаммати, дард-ноласини ҳам ўзига хос, бетакрор санъаткорлик билан ифодалашга эришган. Шунинг учун ўзининг буюк шоирлардан кам эмаслигини фахрия тарзида таъкидлаган. Аксарият ғазалларида шоир мажозий ва ҳақиқий ишқни ранг-баранг тарзда юксакликда тасвирлашга муваффақ бўлган ва ҳақли равишда буюк ғазалсаролар қаторида туражагини исботлай олган. Шунга кўра "Риёз-ал-шуаро" муаллифи "Унинг суханварлик тантанаси оламни тутди, шоирлик шуҳрати Машриқдан Мағрибга етиб, балоғат майдонида замон суханварларидан ўзиб кетди" деганда мутлақо ҳақ эди.

Маълумки, Урфий Шерозий умрининг охиригача сарой доирасида, зодагонлар қуршовида яшаган. Афтидан шоирни ана шу ўрдадаги айшу ишрат, фароғат-роҳат қониқтирмаган, ҳамиша у муҳитдан дилгирликда умргузаронлик қилганга ўхшайди, Зероки, юзлаб ғазал ва рубоийлари дард-нола билан битилган. Уларда "ғамхона", "ғам", "муҳтож", "душман", "бекас", "бехонумон", "бадбахт" сингари сўз ва иборалар гоҳ радиф, гоҳ қофия сифатида қўлланилади. "Шомимнинг тонглари камдир", "барча ҳамсуҳбатлардан вафо кўрсам-да, бундай меҳрдан кўра жафо қилганлари маъқул" деган шоир. "Хун аст" радифли ғазалида ўз қисматини лўнда, оташин тарзда тасвирлаган.

*Ман булбули он гул, ки, гулобош хун аст,*
*Мурғобии он баҳр ки обаш ҳама хун аст.*

(Урфий Шерозий, Девон, 221-бет).

(Мен шундай гулнинг булбулиманки, гулоби қондир, мен шундай денгиз ўрдагиманки, бутун суви қондир).

Бундай дардчил мулоҳазалар "Ўтди", "Кўпдир", "Нимадир", "Мотамдир", "Бордир", "Офат", "Йўқдир" сингари радифли кўплаб ғазалларида бир қизил ипдек тизилиб ўтади. "Жаҳон ўтади, сен ҳам бир кун ўтажаксан, деб ўйлама, зероки, минглаб шамъларни ўчирган бўлсалар-да, анжуман боқийдир" дейди.

Барча тадқиқотчилар Урфий Шерозий рубоийларининг бир зиндагийномаси эканлигига эътибор берадилар. Зероки, ҳар бир рубоийда муаллиф руҳий кечинмаларининг муайян қирраси акс этгандай туюлади: ғазалларидаги ҳаётдан, номуносиб дўстларнинг ғайриинсоний ҳаракатларидан ўкиниш, зада бўлиш тўрт мисрада тугал тасвирланади. Роқимий келтирган мисралар ва қуйидаги шеър бу фикрни тасдиқлайди.

*Дасте дорамки, дар гирибониғамаст,*
*Пое дорамки вақфи домони ғамаст.*
*Жисме дорамки боғу бўстон балост,*
*Жоне дорамки жону имон ғамаст.*

(Қўлим доим ғам ёқасидадир, оёқларим ғам этагининг вақфидир. Шундай жисмим борки, у боғу бўстоннинг балосидир, шундай жисмга эгаманки унинг жону имони ғамдир). Инсонни жисман ҳам, руҳан ҳам ҳасрат-надоматга гирифторлигини бунданда мўъжазбаёнликда тасвирлай билиш, бадиий ифодалаш амри маҳол бўлса керак.

Шоир айрим рубоийларини камёб бадиий санъатлар, фольклор ва асотирий унсурлар билан сайқаллайдики, бундай хислат бу жанрда камдан-кам санъаткорга насиб этади. Қуйидаги мисраларда бир йўла учта анъанавий образ фаолияти билан боғлиқ лавҳага ишора қилинмоқда.

*Ширин бо вафои Кўҳкан менозад,*
*Яъқуб бабўи пироҳан менозад.*
*Довуд ба лаҳни хештан менозад,*
*Ишқу ту ба нолаҳои ман менозад.*

(Ширин Фарҳоднинг вафосидан яйрайди. Яъқуб кўйлак ҳидидан яйрайди. Довуд ўз касби ҳузуридан яйрайди, сенинг ишқинг менинг нолаларимдан яйрайди). Шоир асарлари орасида ахлоқий-таълимий, орифона рубоийлар ҳам учрайди. Мана бу байтлар фикримиз далилидир:

*Сўфи бо фиреби марду зан машғул аст,*
*Нодон ба иморати бадан машғул аст.*
*Доно ба карашмаи сухан машғул аст,*
*Ошиқ ба ҳалоки хештан машғул аст.*

Мазмуни: (Сўфи эркагу аёлни алдаш билан машғул, нодон ўз бадани парвариши билан машғул. Доно сўзга сайқал бериш билан машғул, ошиқ эса ўзини ҳалок этиш пайида машғул).

Урфий рубоийларининг аксарияти таронаи рубоий усулида ёзилган. Уларда кўпинча қўшқофия қўлланилади; баъзан барча мисралар қофияланиб келади. Шоир кўпинча рубоийда тахаллус ишлатади.

Хулоса қилиб айтганда, Урфий Ҳиндистондаги классик шеъриятни мавзу жиҳатидан ҳам, шакл, жанр нуқтаи назардан ҳам, поэтик томондан ҳам янги тараққиёт босқичига кўтарган санъаткордир. Унинг ҳасби ҳол, табиат тасвирига бағишланган шеърлари мутлақо бетакрордир. Шунинг учун ҳам аксарият ўтмиш тазкиранавислар Урфий Шерозий ижоди таҳлили ва таърифига алоҳида эътибор берган.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**

Ўзингни англаб ет! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Hurriyat» kompyuter markazida Bahriddin MINGBOYEV tomonidan sahifalandi.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 357
Т: 4050
1 2 3 4 5

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.